

Vatan uchun, millat uchun, xalq uchun!



Postda Ha nocty

O'zbekiston
Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi
nashri

2025-yil 14-avgust
payshanba

№ 33 (4727)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

Yangi O'zbekiston – yangi ichki ishlar organlari

MINTAQAVIY MARKAZNING ZAMONAVIY QIYOFASI



Farg'ona viloyati IIB Ikkinchi mintaqaviy hudud muvofiqlashtirish markazining yangi, zamonaviy binosi ochilishida Ichki ishlar vaziri, general-mayor Aziz Tashpulatov, viloyat hokimi Xayrullo Bozorov, shuningdek, soha faxriylari va jamoatchilik vakillari ishtirok etdi.

Ikkinchi mintaqaviy muvofiqlashtirish markazi rahbariyati va shaxsiy tarkibi Qo'qon IIB ma'muriy binosining ikkinchi qavatida vaqtincha faoliyat ko'rsatib kelayotgan edi. Endi esa ular zamonaviy talablarga javob beradigan, shinam va qulayliklarga ega, to'liq jihozlangan majmuada xizmatni davom ettirishadi.

Vazir, general-mayor Aziz Tashpulatov hamda viloyat hokimi Xayrullo Bozorovlar tadbirida so'zga chiqib, markaz binosining ochilishi bilan butun shaxsiy tarkibini samimiy muborakbod etishdi.

Ma'lumot uchun: mazkur inshootlar 2 ta bo'limdan iborat bo'lib, birinchi bo'limda nazorat o'tish punkti va 3-qavatli ma'muriy bino joylashgan. Ikkinchi bo'lim esa maxsus qabulxonadan iborat.



QO'SHQANOTLAR

UZUKKA KO'Z QO'YGANDEK

Arnasoy tumani IIB Ekspert-kriminalistika guruhi katta eksperti, kapitan Kamol Oripov va Jizzax shahar IIB Ekspert-kriminalistika guruhi katta eksperti, katta leytenant Jahona Ahrorovani yaxshi biladiganlar ularga nisbatan «Uzukka ko'z qo'ygandek» jumlasini qo'llaydilar. Bu bejiz emas, albatta. Chunki ular xizmatda ham, oilada ham bir-birini mukammal darajada to'ldiradi.

Aytgancha, Jahonaning sohadagi ilk ustoz – Kamol. Murabbiy va shogird ish jarayonida bir-birini yaxshi bilib olishdi. Ko'p o'tmay, yoshlar qalbida samimiy hislar uyg'ondi va munosabatlar nikoh rishtasi bilan mustahkamlandi. Ayni vaqtda oilada bir nafar farzand ulg'aymoqda.

Sir emaski, ekspert-kriminalistik oson ishlar sirasiga kirmaydi. Negaki, tergov-tezkor guruhi tarkibida tez-tez voqea joyiga chiqishga to'g'ri keladi. Aksar

jinoyatlar tunda yuz berishi inobatga olinsa, ulardan biri uyga kech qaytishi aniq. Mazkur jihat Kamol va Jahona uchun qiyinchilik tug'dirmaydi. Chunki bunday paytlarda qarindoshlar yordamga keladi. Qolaversa, bu juftlik el osoyishtaligini asrash sharaflari va mashaqqatli ekanligini yaxshi anglagan holda, bir-biriga suyanch-tayanch bo'ladi.

Darvoqe, Kamol Jahona-ga ustozlik qilishda davom etmoqda. Shundanmi, ikkovining ham ishi besh. Ular



rahbariyat tomonidan bir necha bor rag'batlantirilgan. Jumladan, joriy yil 30-iyun – Yoshlar kuni munosabati

bilan viloyat ichki ishlar organlari xodimlari ishtirokida o'tkazilgan tantanali tadbirda ular namunali oila vakillari

sifatida qimmatbaho sovg'a bilan taqdirlandi.

Alijon ABDUSATTOROV,
o'z muxbirimiz.
Jizzax viloyati.

QAROR VA IJRO

HAR LAHZADA MUHIM

Prezidentimizning 2024-yil 18-dekabrda «Ichki ishlar organlarining yo'l harakati qoidalarini buzish bilan bog'liq ma'muriy huquqbuzarlik to'g'risidagi ishlarni ko'rib chiqish sohasidagi faoliyatini ta'komillashtirish to'g'risida»gi qaroriga asosan, Qashqadaryo viloyati IIB JXX YHXB tasarrufida Ma'muriy amaliyot markazi faoliyati yo'lga qo'yildi.



Markazga kirgan fuqarolar resepsion xizmatidan kerakli ma'lumotni olib, bu yerdagi beshta guruhdan biriga murojaat qilishi mumkin. Har bir guruhning o'z vazifasi bo'lib, ular fuqarolar murojaatlarini qabul qilib, ijrosini ta'minlash, murojaatchilarga huquqiy tushuntirish berish bilan birga, profilaktik ishlarni ham amalga oshirmoqda. Shu bilan birga, markazda uzluksiz ravishda «Call markaz» tezkor aloqa tarmog'i faoliyat ko'rsatmoqda.

Har bir haydovchi va piyoda hushyorlik bilan yo'llarda harakatlansa, noxush hodisalar sodir etilishiga imkon qolmaydi. Biroq Qashqadaryo viloyatida joriy yil-

ning o'tgan davrida ro'y bergan 653417 ta qoidabuzarlik yuzasidan tegishli qarorlar chiqarilgan. Afsuski, ular orasida qo'pol qoidabuzarliklar soni 509724 tani tashkil etdi. Shundan 755 ta holatda haydovchilar spirtli ichimlik iste'mol qilgan holda rulga o'tirgan. Jumladan, joriy yilning 4-may kuni Kitob tumanida «Cobalt» rusumli avtomashina haydovchisi A.F. spirtli ichimlik iste'mol qilib avtomashina boshqarib yurgani YPX inspektorlari tomonidan aniqlangan va unga nisbatan tegishli qonuniy chora ko'rilgan.

Sodiq RAHIMOV,
o'z muxbirimiz.

Qashqadaryo viloyati.

MUSTAQILLIK TENGDOSHLARI

Istiqlol – bebaho ne'mat. Uni ko'z qorachig'idek asrash, ayniqsa, bugun dunyo qalqib turgan, qaysidir yurtlarda bo'layotgan notinchiliklar, ertaga nima yuz berishini aytib bo'lmaydigan davrda juda muhim. Bunday sharoitda mustaqillik nafaqat baxt, balki katta mas'uliyatdir.

QALBIMIZ
ORZULARGA TO'LA

Ne baxtki, biz tengdoshlarga ona Vatan mustaqillikka erishgan davrda tug'ilish, yashash nasib etdi. Ayniqsa, men O'zbekiston o'z mustaqilligini e'lon qilgan kunda, ya'ni 31-avgustda dunyoga kelganman. Otamning singlisi Zamiraxon Sodiqova maktabda bizga ona tili va adabiyot fanidan dars bergan. Televizordan mustaqillik e'lon qilingan paytda sening tug'ilganing haqida xabar kelgan, deya ko'p eslatadi.

2014-yilda Namangan muhandislik pedagogika institutini tamomlab, bir necha muddat o'qituvchi bo'lib ishladim. 2020-yilda ichki ishlar organlariga qabul qilindim. Hozirda Namangan tumani IIB JXX HPB profilaktika inspektoriman.

Soha meni har tomonlama tarbiyaladi, el-yurt tinchligini asrash uchun fidoyilik bilan ishlash kerakligini anglatdi. Xalqimiz osoyishtaligini saqlashga, qolaversa, salkam uch yarim ming aholi istiqomat qilayotgan «Qorako'l» mahallasining jinoyatdan xoli hududga aylanishiga o'z hissamni qo'shganimdan mamnunman.

Yildan-yilga yurtimiz hayotida kechayotgan o'zgarishlar, yutuq va muvaffaqiyatlar salmog'i ortib bormoqda. Istiqlolimizning qutlug' 34 yillik shodiyonasi nishonlanayotgan kunlarda mustaqillikka tengdoshligim qalbidam fخر tuyg'usini uyg'otadi. Uch nafar farzandim taqdiri, ularga yaratilayotgan shart-sharoitlarni ko'rib, ich-ichimdan quvonaman. O'zbekistonimiz tinch, oilalar farovon, qalbimiz orzularga to'la bo'laversin.

Alisher SODIQOV,
katta leytenant.

Namangan viloyati

KASB FIDOYISI

«SIZDAN MINNATDORMAN...»

Boyovut tumanidagi «Sohil» mahallasida istiqomat qiladigan Nozima (ismi o'zgartirildi) hozirda Toshkent Axborot texnologiyalari universitetining ikkinchi bosqich talabasi. Uning o'qishga kirib, orzulari ro'yobga chiqishida mahalla profilaktika inspektori, katta leytenant Komil Do'stmurodovning xizmatlari katta bo'lgan.

Gap shundaki, Nozima yuqori sinfda o'qib yurgan paytida hamma narsaga qiziqadigan qizga aylangan. Bir kuni dugonasi bilan do'kondan sigareta xarid qilishdi. Maktabdan qaytayotib bir burchakda tamaki tortib ko'rishdi. Nozimaga dastlab bu yoqmadi. Lekin ikki-uch kun o'tgach, yana sigareta cheka boshladi.

Bu hali boshlanishi edi. Dugonasi bilan kelishib, Toshkentga aylanishga bormoqchi bo'lishdi. Ular poytaxtda yangi olchilgan universitetda uch kunlik konsultativ seminarga ketyapmiz, deb uydagilarni aldashdi. Ota-onalari ularning gapiga ishonib, qo'llariga pul berishdi...

O'quvchi qizlarning maktabga o'qishga kelmay qo'yganidan xavotir olgan sinf rahbari, uning ortidan profilaktika inspektori Komil



Do'stmurodov Nozimalariga kirib keldi. Asl vaziyatdan xabar topgan ota-ona g'azab otiga mindi. Katta leytenant ularni tinchlantirdi. O'smir qizlarning telefon raqamini olib, ular bilan sokin gaplashdi. Vahima

qo'zg'amadi. Ko'p o'tmay, ularning otalari hamrohligida poytaxtga yo'l oldi...

Uyga qaytib kelishgach, Nozima profilaktika inspektorining nazoratiga olindi. U har kuni maktabga kelar, davomatni surishtirish as-

nosida qizning o'qishidan xabar olardi. O'zaro suhbatlardan birida katta leytenant Komil Do'stmurodov qizning axborot texnologiyalariga qiziqishi borligini sezib qoldi. Ustozlari bilan maslahatlashib, uni dasturchilik yo'na-

lishidagi repetitorlik kursiga borishga undadi. Nozima dastlab ko'nmadi. So'ng rozi bo'ldi, o'quv kursiga qatnay boshladi. Bir yarim yil deganda esa, bir nechta murakkab dasturlash tillarida mustaqil ishlay boshladi. Qiziqishi ortib, shu sohaga boshi bilan sho'ng'idi. Natijada 11-sinfni tugatgach, Toshkent Axborot texnologiyalari universitetiga hech qiynalmay o'qishga kirdi.

Aytganimizdek, Nozima endi talaba. O'qishlari yaxshi, orzulari katta. Buning uchun o'zi ham, ota-onasi ham profilaktika inspektori, katta leytenant Komil Do'stmurodovdan juda minnatdor. Boisi, agar o'shanda uni noto'g'ri yo'lga kirishdan profilaktika inspektori saqlab qolmaganida edi, mana shunday natijaga erishmagan bo'lardi.

Abdurahmon MUSTAFOQULOV,
o'z muxbirimiz.

Sirdaryo viloyati.

CHEGARA HUDUDLARDA

YURT ISHONCHIN OQLAYOTGANLAR

Uzun tumani aholi gavjum, chekka hududlardan biri hisoblanadi. Tojikiston bilan chegarada joylashganligi bois bu yerda xavfsizlik va jamoat osoyishtaligini ta'minlash, huquqbuzarlik va jinoyatchilikning oldini olish, ayniqsa, tuman IIB Tezkor qidiruv xizmati Tog'li va chegara hudud bo'yicha bo'linmasi xodimlari zimmasiga alohida mas'uliyat yuklaydi.

Bo'linma xodimlari – tun-u kun, tog'larda, aholi yashash punktlarida xavfsizlikni ta'minlashda el xizmatiga shaylangan fidoyilardir. Podpolkovnik Azizbek Shernayev rahbarligidagi bo'linma xodimlari hududdagi har qanday shubhali harakat, huquqbuzarlik va jinoyatlarning oldini olish, aniqlash va fosh etish borasida o'zining hushyorligi va qat'iyati bilan ajralib turibdi.

– Tog'li chegara hududlar nazoratini kuchaytirishda videokuzatuv kameralaridan samarali foyda-

lanilyapti, – deydi podpolkovnik Azizbek Shernayev. – Bu orqali huquqbuzarliklarning barvaqt oldi olinishi barobarida, jinoyatlar ham ochilmoqda. Masalan, joriy yilning o'zida xodimlarimiz tomonidan 20 ga yaqin jinoyat fosh qilindi. Qo'shni Respublika bilan chegara-dosh Tomchi – Xo'jaqulsun yo'nalishidagi videokuzatuv kameralari orqali 51 kg heroin g'iyohvandlik moddasi olib kiritilishiga chek qo'yildi.

Tezkor xodim, kapitan Doston Kenjaboyevning xizmat faoliyati ham e'tirofqa loyiq. Uning olib

borgan tezkor tadbirlari natijasida «Do'stlik» mahallasida yashovchi A.X. o'zining yashash xonadonida ma'lum miqdordagi gashish g'iyohvandlik moddasini saqlayotgani aniqlanib, unga nisbatan tegishli qonuniy chora ko'rildi.

Aytgancha, yaqinda «Serharakat» mahallasida yashovchi bir fuqaro voyaga yetmagan farzandi bedarak yo'qolgani haqida murojaat qildi. O'g'lining dardida kuygan ota-onaga yordam berish maqsadida podpolkovnik A.Shernayev shaxsan ishga kirishdi va

olib borilgan surishtiruv ishlari natijasida yo'qolgan bola Toshkent shahrida topilib, oilasi bag'riga qaytarildi.

Chegara hududida tinchlik va xavfsizlikni ta'minlash, fuqarolarning hayoti va osoyishtaligini muhofaza qilish nafaqat xizmat vazifasi, balki el-yurt oldidagi burchdir. Uzun tumani Ichki ishlar bo'limi tezkor qidiruv xizmati xodimlari aynan mana shunday yuksak mas'uliyat va sadoqat bilan o'z xizmat vazifalarini ado etishmoqda. Zero, haqiqiy fidoyilik, Vatan va xalqqa sadoqat aynan mana shunday insonlar mehnatida, xizmatida namoyon bo'ladi.

Feruza RAHMONQULOVA,
o'z muxbirimiz.


Surxondaryo viloyati.



МОЛОДЕЖЬ – НАШЕ БУДУЩЕЕ

ОПРАВДАТЬ ДОВЕРИЕ

В соответствии с постановлением Кабинета Министров от 19 января 2023 года при отделах внутренних дел сформированы общественные группы «Последовательницы Тумарис» («Тумарис издошлари»).



1 июня 2024 года подобная структура создана при отделе по вопросам женщин УПП СОБ УВД Ферганской области. В нее на добровольных началах вступили пять женщин.

Одна из них – Угилой Мухаммаджонова, 2006 года рождения, жительница махалли Эски Араб.

Поступившую в группу девушку прикрепил к старшему инспектору по вопросам женщин лейтенанту Матлубахон Сиддиковой.

Мечтавшая служить в органах внутренних дел Угилой с энтузиазмом приступила к выполнению

функциональных обязанностей. Вместе с наставницей участвовала в организации и проведении пропагандистско-профилактических мероприятий правовой направленности, изучала запросы граждан по системе «хонадонбай», помогала в реабилитации и социальной адаптации женщин, совершивших правонарушения, внесла посильный вклад в воспитательную работу, проводимую со школьницами, учащимися профессиональных учебных заведений.

Недавно пришла приятная новость. За образцовое участие в составе группы «Последовательницы Тумарис» девушка была принята в Академию МВД на льготной основе в соответствии с рекомендацией Министерства внутренних дел.

– Постараюсь оправдать это высокое доверие отличной учебой, – говорит Угилой.

Абдувосит СИДИКОВ,
соб. корр.

Ферганская область.

САМАРКАНДСКАЯ ОБЛАСТЬ

Рейды на дорогах – залог безопасности



В регионе проводятся масштабные рейдовые мероприятия, осуществляемые в рамках акции «Безопасная и здоровая страна».

Основная цель проверок – профилактика дорожно-транспортных происшествий с участием грузового автотранспорта.

Особое внимание сотрудники уделяют водителям, нарушающим правила перевозки грузов, а также тем, кто самовольно вносит изменения в конструкцию транспортных средств. Подобные

действия представляют серьезную опасность для всех участников дорожного движения.

Профилактические мероприятия направлены на повышение уровня дисциплины среди водителей, предотвращение аварийных ситуаций и обеспечение безопасности. Такие рейды служат важным напоминанием о том, что безопасность на дороге начинается с ответственности каждого.

Соб. корр.

ЖЕНЩИНА В ПОГОНАХ

ЕЕ ПРИЗВАНИЕ – ПОМОГАТЬ

В текущем году в городе Янгиере удалось примирить более десяти семей, находившихся на грани развода. Для этого потребовалось приложить немало усилий, вести разъяснительно-правовую работу среди населения.

Выслушать, понять, найти правильное решение, поддержать – таков подход в работе с особой категорией граждан, которой по долгу службы занимается старший инспектор по вопросам женщин отдела профилактики правонарушений УКД ОВД города Янгиера подполковник Юлдуз Кодирова.

На этот раз она направилась в махаллю имени Абдурахмана Джамии, откуда поступило сообщение о семейной ссоре. В сопровождении инспектора профилактики махалли она переступила порог дома, где проживают семьи двух братьев. Глава семейства – женщина семидесяти лет. Рано овдовевшая, она одна воспитала



и женила сыновей. Причиной постоянных ссор стали невестки. Неуживчивые молодые женщины всегда находят повод для разногласий. Шалость детей с их подачи раздувается до конфликта. Так произошло и на этот раз: малыши не поделили велосипед. Каждая

из женщин требовала, чтобы другая освободила дом. Их не могли вразумить ни мужья, ни свекровь, ни родственники.

Юлдуз Кодирова выслушала доводы сторон, разъяснила положения закона, напомнила об ответственности и возможных

последствиях. Затем поговорила с главой семейства, которая в тот момент находилась в постели с повышенным давлением. Было видно, что свекрови уже порядком надоели эти ссоры. Вскоре подошли активисты махалли, вызвали и мужчин – на момент конфликта они находились на работе.

Когда удалось уладить разногласия, на дворе уже наступили сумерки. Семья пришла к согласию, что старший из сыновей построит себе отдельное жилье и съедет из отцовского дома, а младший будет помогать ему в этом.

– В Янгиере не более двух десятков таких семей, – говорит подполковник Юлдуз Кодирова. – Иногда ссора возникает на пустом месте. Но проблем не бывает больших или малых – на все ситуации реагируем внимательно, просчитываем последствия.

Абдурахмон МУСТАФОКУЛОВ,
соб. корр.

Сырдарьинская область.



AYOL VA JAMIYAT

QADR QANOT BERADI

...65 yoshli akaxon choyxonada ulfatlari bilan kechgan bazmdan keyin bazo'r uyiga yetib keldi. Kayfning zo'ridan arzimagan vajni bahona qilib janjal ko'tardi. Xotini: «Adasi, kelinlaringiz, navaralaringiz oldida uyat bo'ladi», – eridan kaltak yeb ham oldi. Xullas, tuni bilan uyda halovat bo'lmaidi. Ertalab akaxon ko'chaga chiqib ketgach, ayoli darhol Yakkasaroy tumani IIOFMB 4-sonli IIB Navbatchilik qismiga qo'ng'iroq qildi...



Ertalab boshliqdan tegishli topshiriq olgan IIB HPB XQMB katta inspektori, katta leytenant Muhayyo Ismoilova hududiy profilaktika inspektori bilan birga o'sha xonadonga yo'l oldi. Chog'roqqina hovlida tuni bilan bo'lib o'tgan janjalning izlari ko'rinib turardi: uying oynalari singgan, daraxtning tagida chelaklar ag'darilib, idish-tovoqlar sinig'i sochilib yotardi. Unga yig'layverib qovoqlari shishib ketgan uy bekasi peshvoz chiqdi. Salom-alikdan so'ng voqeani surishtira boshladi.

Ma'lum bo'ldiki, ayol so'nggi paytlarda ichkilikka ruju qo'yan eridan muntazam ravishda tazyiq va zo'ravonlikka uchrab keelayotgan ekan. Uydagi gapni ko'chaga chiqarishga haddi sig'magan ayol sabr kosasi to'lgach, axiyri himoyalani uchun o'zida jur'at va kuch topdi. Ko'chadan qaytgan erkak hovlisida formal xodimlarni ko'rib rangi-quoti o'chdi... Ayolga himoya orderi rasmiylashtildi.

— Afsuski, faoliyatimda bu kabi holatlar ham uchrab turadi, — deydi lavhamiz qahramoni. — Yoshlarni-ku, hali yosh, g'o'r deymiz. Lekin yoshi bir joyga borgan, quda-andali odamlar orasida ham «qo'ydi-chiqdi»lar bo'lib turganini qanday izohlash

mumkin? Oilani muqaddas bilib, uning ustuni, qo'rg'oni bo'lishi kerak bo'lgan erkaklar orasida 30–35 yil birga yashagan yostiqdoshini asrab-avaylash, farzandlariga, nabiralarga o'rnak bo'lish o'rniga o'zini sharmanda qilayotganlar ham uchrab turibdi.

Yana bir holat. Hududimizdagi bir oila qizini unash-tirib, fотиha to'yi qiladi. Shundan keyin bo'lajak kuyov qizni nazorat qilishni boshlaydi. Yigit hatto shu darajaga borib yetadiki, qizning oilasiga ham tazyiq o'tkazishga urinadi. Natijada o'rtadagi fотиha buziladi. Bu holatda qizga himoya orderi berib, uning xavfsizligi ta'minlandi.

Ma'lumot o'rnida ta'kidlash joiz, katta leytenant Muhayyo Ismoilova tumandagi Bobur, «Damariq», Abdulla Qahhor, Hamid Sulaymonov, Shohjahon, «Bog'saroy» mahalla fuqarolar yig'inlari aholisiga xizmat ko'rsatadi. Joriy yil boshidan buyon 10 ga yaqin oilalar yarashtirildi, 10 nafar xotin-qizga himoya orderi berildi.

— Har gal biror oiladagi mojaroni tahlil qilib, imkonni darajasida uni ijobiy hal qilish maqsadida o'sha xonadonga ketayotganimizda, ishonasizmi, shunday o'ng'aysiz ahvolga tushamiz. Chunki, garchi chaqirilgan

bo'lsak ham, bizni kutayotgan bo'lishsa-da, birovning oilasiga, qolaversa, shunday noxush vaziyatda kirish juda noqulay. Aslida, har bir oila sirining pinhonaligi bilan jozibali, o'z muammolarini o'zi hal qila olishi bilan hurmatga sazovordir.

Dunyoqarashi keng, fikrlari teran bo'lgan katta leytenant Muhayyo Ismoilova o'z xizmat vazifasiga doimo mas'uliyat bilan yondashadi. Shuningdek, tizimda o'tkaziladigan turli ko'rik-tanlov va musobaqalarda ham faol ishtirok etadi. Xizmatda erishgan yutuqlari uchun rahbariyat tomonidan berilgan bir qancha tashakkurnomalar, faxriy yorliq va sertifikatlar bilan taqdirlangan. Bu esa lavhamiz qahramoniga kuch-quvvat, g'ayrat va yanada shijoat baxsh etadi.

Muhayyo bilan suhbatlashib o'tirib, uning yaxshigina rasm chizish qobiliyati ham borligini bilib qoldim. Chizgan suratlarini birma-bir ko'zdan kechirar ekanman, agar taqdir taqozosi bilan qahramonim rassomlikni tanlaganida, undan yaxshigina musavvir chiqishiga ishonдим.

Adolat FAYZIYEVA,
o'z muxbirimiz.

Toshkent shahri.

MUSTAQILLIK TENGDOSHLARI

Istiqlol tengdoshi bo'lgan bolalar bugun yoshlikning ayni barkamollik davrida. Ularning ko'zida ishonch, yuragida g'urur, Vatan muhabbati, yelkasida esa mas'uliyat zalvori bor.

ER YIGITNING NIYATI

O'sha yili Samarqand viloyatining Toyloq tumani-da Ilhom aka va Gulnora opa xonadonida tug'ilgan chaqaloqqa Ma'mur deb ism qo'yishdi.

Lavhamiz qahramoni bolaligidayoq rostgo'ylik, haqparastlik bobida tengdoshlariga o'rnak edi. U maktabni tamomlagach, hech ikkilanmasdan IIV

alohida e'tibor qaratadi. Bu ishlarga soha faxriylarini ham jalb etadi. Asosiy vazifasidan ortib, maktablarda bo'lib o'tadigan huquqiy-tarbiyaviy mavzulardagi uchrashuvlarda so'zga chiqib, o'quvchilarni qonun-qoidalariga rioya etishga targ'ib qiladi.

Ma'murjon rafiqasi Sitoxon bilan birga ikki o'g'il



Toshkent oliy harbiy texnika bilim yurtiga hujjat topshirdi. Bugun Ma'mur Do'smurodov mayor, Samarqand viloyati Kattaqo'rg'on shahar IIB boshlig'ining ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha o'rinbosari. Qalbidan joy olgan eng ezgu maqsad – tumani aholisi osoyishtaligini ta'minlash. Ana shu niyatda fidoyilik bilan faoliyat ko'rsatmoqda.

U yosh xodimlarni yurtga muhabbat, burchga sadoqat ruhida tarbiyalashga, ularning kasbiy tayyorgarligini oshirishga, xizmat intizomini mustahkamlashga

va bir qizni yaxshi niyatlarda voyaga yetkazishmoqda. Uning tarbiyasini olgan farzandlar ham kelgusida otasi singari el-u yurt xizmatiga kamarbasta bo'lishiga ishonamiz.

Istiqlol bergan erkinlik mamlakatimizni jahonga tanitdi, tenglar ichida teng bo'lib rivojlanishiga sharoit yaratdi. Ma'murjon singari olovqalb, fidoyi huquq-tartibot posbonlari esa Istiqlolimizni ko'z qorachig'idek asrayapti.

Umida MAMADALIYEVA,
o'z muxbirimiz.

Samarqand viloyati.

«IJTIMOIY HIMOYA OYLIGI»

YUKSAK EHTIROM

Xorazm viloyati IIB Xavfsiz turizmni ta'minlash boshqarmasida «Ijtimoiy himoya oyligi» doirasida ma'naviy-ma'rifiy tadbir bo'lib o'tdi. Unda uzoq yillik xizmat faoliyatiga ega bo'lgan faxriylarning boy hayotiy tajribasini, yutuqlarini, tashabbuslarini yosh xodimlarga o'rgatib borish, ular bilan tez-tez uchrashuvlar, davra suhbatlari o'tkazish xizmat samaradorligining oshishida muhim o'rin tutishi ta'kidlandi.

Shundan so'ng boshqarma boshlig'i, polkovnik Ruslan Ishniyazov tantanali ravishda pensiyaga kuzatilayotgan boshqarma bo'linma boshlig'i, podpolkovnik Matyoqub Madaminovning hayoti va xizmat faoliyatiga to'xtalib o'tdi. Tadbirda podpolkovnik Marat Xudoyberganov, kapitanlar Sardorbek Ro'zmetov, Jalolbek Ro'zmetov,



katta leytenant Azamat Aminovlar so'zga chiqib, hamkasbining uzoq yillik xizmat faoliyatiga yuksak baho berishdi.

– Yurt tinchligi, xalq osoyishtaligini ta'minlashdek sharafli kasbda yigirma yildan ziyod xizmat qildim, — deydi podpolkovnik Matyoqub Madaminov. – Xizmat faoliyatim davomida ko'plab yosh xodimlarga ustozlik qilib, soha sir-asrorlarini qunt bilan o'rgatishga intildim.

Tantanali kechada pensiyaga kuzatilayotgan podpolkovnik M.Madaminovga an'anaga muvofiq milliy to'n hamda esdalik sovg'alari topshirildi.

Xudoybergan JABBOROV,
o'z muxbirimiz.

Xorazm viloyati.

CHEKKA HUDUD



PURVIQOR TOG'LAR BAG'RIDA OSOYISHTALIK

Viloyat markazidan 120 chaqirim olisda, dengiz sathidan ming metr balandlikda joylashgan va to'rt tomoni purviqor tog'lar bilan o'ralgan So'x tumaniga tashrif buyursangiz, xalqimizni hayotdan rozi qilish yo'lida amalga oshirilayotgan hayotbaxsh islohotlar samarasiga guvoh bo'lasiz.

O'zgarishlar va yangilashlar nafasi tuman markazidan tortib, eng chekka va olis qishloqlargacha kirib bormoqda. Bu esa fuqarolarning turmush tarzida o'z aksini topib, ularning baxtli va farovon yashashini ta'minlayapti. Jumladan, huquq-tartibotni mustahkamlash, jinoyatchilikni jilovlash, ichki ishlar organlari faoliyatini raqamlashtirish, yo'l infratuzilmasini yax-

o'rganilib, 62 ming nafardan ziyod fuqarolar bilan suhbat o'tkazildi. Mazkur jarayonda 1438 ta ijtimoiy profilaktika obyektiga tegishli tartibda xulosalar tuzildi. 5046 ta ma'muriy huquqbuzarlik holati aniqlanib, bayonnolar rasmiylashtirildi. 103 ta oiladagi nizolar mahalla faollari va hamkor tashkilotlar bilan birgalikda bartaraf etildi. 95 ta boshqa turli muammolar aniqlanib,

sion markazga integratsiya qilindi. Amalga oshirilgan profilaktik ishlar natijasida tumandagi mavjud 27 ta mahalla fuqarolar yig'inidan 24 tasi «yashil» toifada, 8 tasida esa umuman jinoyat qayd etilmadi.

Ichki ishlar vaziri, general-mayor Aziz Tashpulatov boshchiligidagi ishchi guruh yaqinda ushbu anklav tumanda bo'lib, jinoyatchilikni jilovlash borasida amalga oshirilayotgan ishlar bilan yaqindan tanishdi, chegara hudud aholisi bilan samimiy muloqot o'tkazdi.

Xususan, chegara hududida joylashgan «G'aznov» va «Chashma» mahallalarida yettilik a'zolari va faollar bilan muloqotda bo'lgan mutasaddilar aholining bugungi kayfiyati bilan qiziqib, amalga oshirilayotgan islohotlar, yuz berayotgan o'zgarishlar xalqni mamnun qilayotganiga guvoh bo'lishdi. Profilaktika inspektori va mahalla faollari o'rtasidagi hamkorlikni yanada mustahkamlash, jinoyatchilikning barvaqt oldini olish, «xonadonbay» ishlash borasida zarur tavsiyalar berildi.

Muxtasar aytganda, purviqor tog'lar bag'ridagi ushbu jannatmakon diyorda bugun osoyishtalik hukmron. Bu ne'mat tuman IIB shaxsiy tarkibining yuksak kasbiy mahorati, ahilligi va fidoyiligi samarasidir.



shilash borasida ham samarali natijalarga erishilmoqda.

Masalan, tuman Ichki ishlar bo'limi shaxsiy tarkibi va mahalla tizimi hamkorligining to'g'ri yo'lga qo'yilgani tufayli joriy yilning o'tgan davrida 10430 ta xonadondagi muammolar joyida

o'z vaqtida ijobiy hal qilindi. 29 nafar tazyiq va zo'ravonlikdan jabr chekkan ayollarga himoya orderi berildi.

Hududlarda 337 ta qo'shimcha kuzatuv kamerasi o'rnatilib, profilaktika inspektorlarining xizmat xonasi va IIB qoshidagi situat-

QO'SHSAHIFADA:

MINTAQAVIY MARKAZNING ZAMONAVIY QIYOFASI



(Davomi. Boshlanishi 1-betda.)

Shuningdek, ushbu markazdan tezkor vazifalarni bajaruvchi safarbarlik otryadi uchun ham alohida ma'muriy inshootlar o'rin olgan.

Xonalar zamonaviy raqamli texnologiyalar, texnik vositalar hamda mebellar bilan to'liq ta'minlandi. Markaz hovlisiga manzarali daraxt va gullar ekildi. Bir so'z bilan aytganda, Ikkinchi mintaqaviy markaz hududdagi shahar va tuman ichki ishlar bo'limlari ishini tezkor muvofiqlashtirish va xizmat samaradorligini oshirish uchun zarur shart-sharoitlar yaratildi. Barcha kuch va vositalarni bir joyga jamlagan,

yaxlit zamonaviy boshqaruv majmuasi vujudga keldi.

Ochilish marosimida binoni barpo etishga o'zining munosib hissasini qo'shgan quruvchi va bunyodkorlarga chuqur minnatdorlik bildirilib, esdalik sovg'alari topshirildi.

– Men 30 yildan ziyod ichki ishlar organlarida faoliyat ko'rsatganman, – deydi iste'fodagi podpolkovnik Umarbek Shomurodov. – Biz juda noqulay sharoitlarda, eski binolarda ishlaganmiz. Bugun markazning zamonaviy binosini ko'rib, ko'zlarim quvnadi, shogirdlarimga havasim keldi.



«IJTIMOIY HIMOYA OYLIGI»

KO'NGILLARNI SHOD ETIB

Viloyat ichki ishlar organlarida «Ijtimoiy himoya oyligi» uyushqoqlik bilan o'tkazilyapti.

Farg'ona shahar IIOFMB rahbariyati tomonidan ko'p yillar tizimda samarali xizmat qilgan iste'fodagi mayor Sodiqjon Usmonov hamda iste'fodagi kapitan Rahmonjon Usmonovlarning holidan xabar olinib, ularning oilasiga beminat yordam ko'rsatildi.

Ayniqsa, ichki ishlar organlarida xizmat qilgan va ayni paytda

I guruh nogironi sifatida nafaqada bo'lgan iste'fodagi kapitan Rasuljon Yunusovning ko'ngli tog'dek ko'tarildi. Sababi soha rahbariyati va bir guruh hamkasblar uning xonadoniga yo'qlab borib, zarur moddiy yordam ko'rsatishdi.

Farg'ona shahridagi 3-sonli huquq-tartibot maskani profilaktika inspektori, leytenant Shohruxxo'ja Hoshimovning ota-onasi ko'pdan beri bemor edi. Boshqarma mu-

tasaddilari ushbu nuroniylar holidan xabar olish va amaliy yordam berish maqsadida ularning xonadoniga borib, ezgu duoga musharraf bo'lishdi.

Viloyat IIB JXX JTSB Patrul-post xizmati batalyoni tumanlararo patrul-post xizmati otryadi rahbariyati va shaxsiy tarkibi ham oylik davomida savobli ishga qo'l urishdi. Xizmatdan bo'sh paytda xodimlar safdor Saydullo Jo'rayevning xonadonida

hashar uyushtirib, qurilishi tugallanmagan bino va imoratlarini bitkazishga yordam berishdi.

Shuningdek, PPX batalyonida xizmat qilgan marhum Valijon Qurbonovning qandli diabet kasalligi bilan og'rib, to'shakka mixlanib qolgan onasiga nogironlar aravachasi olib berildi. Saxovatdan ko'ngli shod bo'lgan onaxon esa o'g'lining safdoshlarini duo qildi.

FARG'ONA VILOYATI

KASB FIDOYISI

OG'UFURUSH TO'XTATIB QOLINDI

Marg'ilon shahar IIB JXX Yo'l harakati xavfsizligi bo'linmasi inspektori, katta serjant Abbasxon Mo'minov «Do'stlik» mahallasi Baxtiyorlik ko'chasida xizmat olib borayotgan edi.

Elektroskuter boshqarib ketayotgan haydovchi motoshlem (dubulg'a) ni taqmay kelayotganligi sababli, uni ogohlantirish maqsadida to'xtatganida, negadir haydovchi bezovtalanib qoldi. U inspektorning savollariga poyma-poy javob berib, tezroq ketishga urinardi. Bu holat xodimda shubha tug'dirganligi bois, xolislar ishtirokida uning yoni ko'zdan kechirildi.

Haydovchi bejiz bezovtalanmagan ekan. Uning cho'ntagidan selofan paketga o'ralgan, o'tkir hidli gashish giyohvandlik moddasi topildi.

Daliliy ashyo xolislar ishtirokida olinib, Marg'ilon shahar Ichki ishlar bo'limiga topshirildi. Hozirda ushbu holat yuzasidan tergovga qadar tekshiruv harakatlari olib borilmoqda.

Quva tumanida tug'ilib o'sgan Abbasxon Mo'minov ichki ishlar organlaridagi faoliyatini 2009-yilda patrul-post xizmatida boshlagan. 2015–2016-yillarda IIV Akademiyasi Serjantlar tarkibini tayyorlash bo'yicha oliy kurslarida tahsil olgan. 2017-yildan buyon yo'l harakati xavfsizligi tizimida samarali faoliyat ko'rsatib kelmoqda.



«XAVFSIZ VA SOG'LOM YURT»

«MA'RIFAT»DA YANGI HAYOT NAFASI

Farg'ona shahridagi «Ma'rifat» mahallasi eng gavjum hududlardan biri sanaladi. Olti yarim mingga yaqin aholi istiqomat qiladigan ushbu maskanda istirohat bog'i, bir necha savdo do'konlari va ko'ngilochar obyektlar, shifoxonalar, ta'lim dargohlari joylashgan. Shu bois bu yerga turli yumush bilan kelib-ketuvchilar juda ko'p.



O'tgan yili mahallada jinoyatchilik va huquqbuzarliklar salmog'i sezilarli darajada ortib ketdi. Natijada hudud «qizil» toifaga kiritildi. Bu holat viloyat IIB rahbariyatining e'tiborini tortib, jinoyatlarning sabablari mutaxassislar ishtirokida chuqur tahlil qilindi. Tahlillar shuni ko'rsatdiki, sodir etilgan jinoyat va huquqbuzarliklarning aksariyat qismi mahalla aholisi tomonidan emas, hududga kelib-ketuvchi boshqa hudud fuqarolari tomonidan sodir qilingan va ularning barchasi oldini olish mumkin bo'lgan jinoyatlar toifasiga kiradi.

Shu bois mahallada jinoyatchilikni jilovlash, osoyishta va xavfsiz muhit

yaratish maqsadida viloyat IIB boshlig'i o'rinbosari – Jamoat xavfsizligi xizmati boshlig'i, podpolkovnik Farruhbek O'sarov rahbarligida ishchi guruh tuzilib, mahallada keng qamrovli ishlar boshlandi. Birinchi navbatda aholi bilan ishlashda katta tajriba to'plagan, bilim va salohiyati yuqori bo'lgan mayor G'ayratjon Mirzayev mahalla huquq-tartibot maskaniga profilaktika inspektori qilib tayinlandi. Viloyat IIB, Farg'ona shahar hokimligi, shahar IIOFMB rahbariyati hamda mahalla yettiligi hamkorligida mahallani «qizil» toifadan chiqarish, «sariq» va «yashil»

toifaga o'tkazish bo'yicha yo'l xaritasi ishlab chiqildi.

Hozirgi kunda hududni to'liq raqamlashtirishga jiddiy e'tibor berilmoqda. Masalan, asosiy kirish-chiqish joylariga 50 tadan ziyod kuzatuv kameralari o'rnatilib, ularning barchasi huquq-tartibot maskani va shahar IIOFMB qoshidagi situatsion markazga integratsiya qilindi. Hududda o'g'irlik jinoyatining salmog'i ko'pligi hisobga olinib, ko'p qavatli uylar oldiga domofonlar, eshiklariga elektron, kodli qulflar qo'yildi.

Mahalla shahardagi eng katta istirohat bog'i bilan tutash bo'lib, bu yerga har kuni minglab avtomashinalar va fuqarolar kelib-ketadi. Shu bois istirohat bog'i, avtoturargoh va suv-sport havzasini tutashtiruvchi yo'lga yuzni tanib oluvchi kameralar o'rnatildi. Shu bilan birga, hududga 70 dona «Hudud kamera nazoratida» degan ogohlantiruvchi plakat ilindi.

Ayni kunda barcha ko'chalar va ko'p qavatli uylar orasidagi yo'laklarga zamonaviy yoritish chiroqlari o'rnatilmoqda. Mahalla hududida faoliyat olib boruvchi tadbirkorlik subyektlarini esa qo'riqlash pultiga ulash borasida ham targ'ibot-tashviqot ishlari yo'lga qo'yilgan.

Yo'l infratuzilmasini yaxshilash maqsadida ko'plab yo'l belgilari, svetoforlar o'rnatildi. O'nqir-cho'nqir ko'chalarga asfalt yotqizilib, tekislandi, yo'l chiziqlari qayta chizildi.

1 ta xavfsiz ko'cha va 19 ta xavfsiz yo'lakcha tashkil etildi.

Ilgari ko'p qavatli uylar orasida yurishga odam seskanardi, juda qorong'i edi, – deydi mahalla faoli Manzura Ahmedova. – Hozir esa manzara butunlay o'zgardi. Ko'chalarimiz tekis, yorug' va xavfsiz bo'ldi. Nabiralarimiz bilan xotirjam sayr qilaymiz. Fuqarolarimiz o'zgarishlardan juda minnatdor bo'lib, rahmatlar aytishyapti. Xuddi mahallamizga yangi hayot nafasi kirib kelganday...

Mahallada osoyishta va xavfsiz muhitni yaratish, aholining kayfiyatini o'rganish va mavjud muammolarni tizimli hal etish maqsadida «xonadonbay» va «fuqarobay» o'rganishlar olib borilyapti. Fuqarolar bilan suhbatlarda bildirilgan takliflardan kelib chiqib, amalga oshirilishi zarur bo'lgan chora-tadbirlar belgilab olinyapti. Mazkur jarayonda muqaddam sudlangan, probatsiya nazoratiga olingan, jinoyat va huquqbuzarlik sodir etishga moyil shaxslar, nizoli oilalar, spirtli ichimlikka ruju qo'yganlar bilan yakka tartibda profilaktik ishlar tashkil etilmoqda.

Mahallamiz to'liq raqamlashtirilganligi sababli jinoyat va huquqbuzarliklarning oldini olish imkoniyati yanada oshdi, – deydi mayor G'ayratjon Mirzayev. – Demak, mahalla yettiligi va aholi bilan hamjihat ish olib borsak, profilaktik ishlarni to'g'ri tashkil etsak, joriy yil yakuniga qadar jinoyatchilikni butunlay jilovlab, mahallani «yashil» toifaga o'tkazamiz.

Qo'shsahifa materiallarini Farg'ona viloyati bo'yicha muxbirimiz Abduvosit SIDIQOV tayyorladi.

■ г. Ташкент

В РАМКАХ МЕРОПРИЯТИЯ «БЕЗОПАСНАЯ СЕМЬЯ»

Исходя из содержания и сути постановления Президента о мерах по созданию безопасной среды в населенных пунктах нашей республики, а также повышения эффективности системы профилактики путем раннего выявления преступлений и правонарушений, ГУВД города Ташкента проводит ряд практических мероприятий.

Для обеспечения реализации задач, указанных в постановлении, принято совместное решение с другими правоохранительными органами и заинтересованными организациями. Оно предусматривает защиту прав и законных интересов отдельных категорий

семей, проживающих в столице, повышение их социальной и экономической активности, решение вопросов, связанных с охраной здоровья, содействие профориентации и трудоустройству, а также вовлечение в предпринимательскую деятельность.

Одним из проектов стало мероприятие «Безопасная семья», осуществляемое Управлением профилактики правонарушений ГУВД. Его первый этап стартовал 1 мая. Для 15 неблагополучных семей и 25 воспитывающихся в них детей был проведен цикл духовно-просветительских и психолого-педагогических занятий и бесед.

Во втором этапе приняли участие 14 семей. Организовано углубленное психодиагностическое обследование взрослых и детей, составлены психологические портреты, на основе которых проведены индивидуальные занятия. Разработаны планы содержательного досуга. Участники посетили



телебашню, зоопарк, базу конного отряда ГУВД, выставку робототехники при Политехническом музее, парк развлечений «Magic City» в Чиланзарском районе и парк «Победы» в Алмазарском районе. По итогам обследования бытовых условий двум семьям оказана помощь в ремонте жилья.

С учетом роли семьи в формировании безопасной среды в махаллях и в раннем предупреждении правонарушений, на основании совместного решения с хокимиятом города

выявлено 1 215 семей, нуждающихся в правовой помощи. Каждая из них закреплена за руководителями управлений и организаций, а также районными хокимиятами.

Созданы штабы «Безопасная семья» и телеграм-группа для работы с обращениями граждан, в которую включены 365 руководителей и сотрудников профильных организаций и учреждений. Работа по консолидации усилий в данном направлении продолжается.

Соб. корр.



★ Мнение специалиста

ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЙ ПРИНЦИП

В Узбекистане проведена системная работа по выполнению обязательств в сфере укрепления законодательной и организационно-правовой базы защиты прав человека, имплементации международных стандартов в национальное законодательство, активизации сотрудничества по вопросам защиты прав человека, в том числе недопущения случаев применения пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания.

Статья 26 обновленной Конституции страны гласит: «Честь и достоинство человека неприкосновенны. Ничто не может быть основанием для их умаления.

Никто не может быть подвергнут пыткам, насилию, другому жестокому, бесчеловечному или унижающему достоинство человека обращению либо наказанию...»

В качестве документа высшей юридической силы Конституция закрепляет, что лицо не может быть признано виновным или подвергнуто наказанию, если признание им своей вины является единственным доказательством против него. Отражение этих норм непосредственно в Основном законе свидетельствует о твердой позиции Узбекистана в отношении верховенства человеческого достоинства.

В Главе 4 Уголовно-исполнительного кодекса Республики Узбекистан предусмотрен механизм

контроля и надзора за деятельностью учреждений и органов, исполняющих наказания.

В систему контроля и надзора наряду с другими органами государственной власти и управления в качестве парламентского контроля также входит Уполномоченный Олий Мажлиса по правам человека (Омбудсман). Уникальность и ценность данного института в том, что он независим, доступен людям, не связан с судебной и правоохранительной системами, обладает парламентской легитимностью в виде отдельного Закона о его полномочиях, в том числе в системе защиты прав осужденных.

Согласно Закону «Об Уполномоченном Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (Омбудсмане)» от 15 ноября 2024 года Омбудсман принимает меры по предупреждению случаев применения пыток

в местах, где содержащиеся лица не могут покинуть их по своей воле. В Законе учтены требования Факультативного протокола к Конвенции ООН по предупреждению пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания.

Если обратиться к цифрам, то мониторинговые визиты Омбудсмана и Общественных групп по предупреждению случаев применения пыток в 2021 году осуществлены 177 раз, в 2022 году – 381, в 2023 году – 603. В 2024 году их количество возросло до 902 (1-е полугодие 2025 года – 491).

Установлен парламентский и общественный контроль по предотвращению пыток. По выявленным недостаткам подготавливаются аналитические данные и доклады, заключения и представления, а также требования об их устранении, направляемые для

рассмотрения в соответствующие министерства и ведомства. Кроме того, результаты мониторингов отражаются в ежегодном докладе Омбудсмана, представляемом в палаты Олий Мажлиса.

Необходимо отметить, что в 2024 году по рекомендации Омбудсмана в специализированной больнице для осужденных № 23 было открыто женское отделение на 50 коек. В отделении установлено современное оборудование, созданы необходимые медицинские условия для женщин-осужденных.

Изложенные меры согласуются с преобразованиями, осуществляемыми в стране в области прав человека, и направлены на обеспечение гуманных условий тюремного заключения в соответствии с Минимальными стандартными правилами ООН в отношении обращения с заключенными (Правилами Манделы).

Габит АЙДАРОВ,
главный консультант отдела
по предупреждению пыток
Аппарата Уполномоченного
Олий Мажлиса
по правам человека
(Омбудсмана).



Tuman IIBda

HAMJIHATLIK – YUTUQLAR GAROVI

Bo'ka tumanida 40 dan ziyod mahallada 120 ming nafardan oshiq aholi istiqomat qiladi. Hududda turli millat va elat vakillari tinch-totuv yashab kelmoqda. Bunda osoyishtalikni asrash yo'lida fidoyilarcha xizmat qilayotgan tuman ichki ishlar organlari xodimlarining salmoqli hissi bor.



Raising shogirdi

Tumandagi «Jag'albayli» mahallasi profilaktika inspektori, leytenant Diyorbek Xidraliyev huquq-tartibotni saqlash, huquqbuzarliklarni aniqlash, ularga baham berish, shuningdek huquqbuzarliklarning sodir etilishi sabablarini o'rganishga mas'ul sifatida ushbu mahallada o'z xizmat vazifasini bajarib kelmoqda. O'zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasini tamomlagan yosh inspektor ilk xizmat faoliyatini Toshkent tumanida huquqbuzarliklar profilaktikasi yo'nalishida boshlagan. Mahalla «sariq» toifada bo'lib, unda 3000 nafardan ziyod aholi istiqomat qiladi. Ilgari sudlanganlar, jinoyatchilikka moyil shaxslar bilan muntazam ishlanib kelinmoqda.

Ushbu mahalla raisi Ma'sudjon Temirov o'z vaqtida Olmaliq shahar Qo'riqlash xizmatida, keyinchalik Bo'ka tumanida huquqbuzarliklar profilaktikasi yo'nalishida, tashkiliy bo'linmada turli lavozimlarda xizmat qilib mayor unvonida pensiyaga chiqqan. U insonni yosh inspektor-ga maslahatgo'y, ustoz desak ham adashmaymiz.

– Diyorbekning mahalla yetiligi bilan hamjihatlikda ishlashi natijadorlikni ta'minlashi shubhasiz. Mahallamizda 4 ta yangi ishlab chiqarish sexlari ochilmoqda. Bu fuqarolar bandligini ta'minlashda nihoyatda muhim qadam bo'ladi. Yaqin orada albatta «yashil» toifaga o'tishimizga ishonaman. Chunki, imkoniyatlarimiz yetarli va katta mehnat ketmoqda, – deydi mahalla raisi.

Xolislik muhim

Tuman IIB huzuridagi Tergov bo'linmasi surishtiruvchisi, katta leytenant Erkinjon Abduraimov ikki yildan buyon mazkur yo'nalishda faoliyat yuritmoqda.

Bugungi zamonaviy axborot texnologiyalari davrida yangidan-yangi jinoyat turlari paydo bo'lish barobarida, kibertahdidlar oshib boryapti. Firibgarlik, yo'l-transport hodisalari bilan bog'liq huquqbuzarliklar ham masalani har tomonlama sinchiklab o'rganishni taqozo etmoqda. Bularning barchasi tergov yo'nalishidagi xodimlarni o'z ustilarida yanada ko'proq ishlashga undaydi. Eng muhimi, xolislik faoliyatimizning bosh mezonini bo'lishi darkor, – deydi lavhamiz qahramoni.

Hozirda tuman IIBning har bir tergovchisi tomonidan oyiga 5-6 ta jinoyat ishlari ko'rib chiqilmoqda.



Doimo sergak

Tuman IIB Navbatchilik qismiga, shu kunlarda «102» raqami orqali hamda fuqarolarning o'zi tomonidan to'g'ridan-to'g'ri kelib tushayotgan sutkalik murojaatlar soni 50-55 tani tashkil qilmoqda. Vaziyatni oldindan baholab bo'lmisligi hisobiga ba'zan bu raqamlar soni yanada oshishi mumkin.

Navbatchilik qismi katta inspektori, kapitan Ahror O'tanovning aytishicha, aholi tomonidan ko'proq oilaviy janjallar, o'zaro kelishmovchiliklar, qarz munosabatlari orqali oldi-berdi masalalari ustida tortishuvlar, bezorilik holatlari hamda boshqa masalalarda murojaatlar bo'lmoqda. Kam sonli bo'lsa-da, YTHlar bilan bog'liq murojaatlar ham bor.

Navbatchilik qismidagi xodimlar faoliyatini kuzatar ekanmiz, navbatchi ko'proq tezkorlikka va aniqlikka ahamiyat berishi kerakligi g'oyat muhimligiga guvoh bo'ldik. Ular hushyor hamda sidqidildan vazifasini bajarayotganligi ko'zni quvontiradi. Xodimlarning axborot texnologiyalaridan foydalanishi mukammal darajada bo'lishi kerakligi hisobga olinib, texnik kamchiliklar bartaraf etilgan. Aloqa vositalari ham yetarli darajada.

Raqamlar ortida inson taqdiri



Sobiq ittifoq davridan buyon hozirgi kunga qadar fuqarolik pasporti olmagani 2 nafar shaxs O'zbekiston Respublikasi fuqaroligiga mansubligi aniqlanib, ularga ham ID-kartalar berilgan. Bo'limda mutaxassislardan kerakli huquqiy maslahat olish uchun barcha imkoniyatlar yaratilgan.

Joriy yilning shu davriga qadar, tuman IIB M va FRB xodimlari tomonidan 7956 nafar O'zbekiston Respublikasi fuqarolariga, bundan tashqari, 12 nafar fuqaroligi bo'lmagan shaxsga ID-kartalar rasmiylashtirilgan. Shuningdek, 369 nafar fuqaroning yo'qotilgan pasportlari qayta tiklanib, 2402 nafar yurtdoshimizga xorijga chiqish biometrik pasportlari taqdim etilgan.



Abror POYONOV,
o'z muxbirimiz.

Abu KENJAYEV olgan suratlar.
Toshkent viloyati.



MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT DARSII

QATAG'ON QURBONLARI – MILLAT FIDOYILARI

(31-avgust – Qatag'on qurbonlarini yod etish kuni)

Istiqlol yillarida milliy qadriyatlarni tiklash, tariximizni xolis va haqqoniy o'rganish, aziz siymolar xotirasini e'zozlash, madaniyatimiz va san'atimiz rivojiga hissa qo'shgan ijodkorlar faoliyati, ularning boy ma'naviy merosini tadqiq etish, targ'ib va tashviq qilish, tarixiy adolatni qaror toptirish borasida keng ko'lamli ishlar amalga oshirildi.

Xususan, 2001-yildan buyon O'zbekistonda 31-avgust – Qatag'on qurbonlarini yod etish kuni sifatida keng nishonlandi. Zero, mamlakat tarixida tom ma'noda begunoh odamlarning qoni bilan yozilgan sahifalar ko'p. Bu Turkistonning XIX asrda bosib olinishi, o'tgan asrdagi jadidlar harakatining ayovsiz tugatilishi, 30–50-yillardagi dahshatli qatag'onlar, 80-yillardagi paxta ishi va boshqalar.

Shu o'rinda o'tgan asrning 20-yillarida yoshlarni ilm olishga yo'naltirilgan xayrli ishlarni eslatib o'tishni lozim topdik. Bu davrda Buxoroda xalq jumhuriyati tashkil etildi. Yangi hayot, yangi orzu-intilishlar bilan yashaldi. Xuddi shu kezlari Turkiston o'lkasida buyuk bir ma'naviy harakat boshlandi. Mustamlaka tuzumi tufayli taraqqiyotdan orqada qolgan Turkiston xalqi zamonaviy ilmfan sirlarini o'rganishga kirishdi. Shu maqsadda xalqimizning eng salohiyatli farzandlari saralanib, Yevropaning ilg'or mamlakatlarga o'qishga yuborildi. Bu tarixiy ishga atoqli davlat va jamoat arboblari Fayzulla Xo'jayev, Munavar qori, Fitrat, Saidnosir Mirjalilov, Cho'lpon kabi ziyolilar bosh qo'shishdi.

Yurtimizdan o'qishga yuborilgan 70 ga yaqin talaba Germaniyaning Berlin, Drezden, Bon, Xaydelberg, Darmshtadt kabi shaharlarida mashinasozlik, elektrotexnika, kimyo, to'qimachilik sanoati, qishloq xo'jaligi, tibbiyot, tarix, falsafa, pedagogika, genetika, injenerlik sohalarida bilim olishdi. Chunki Turkiston shunday mutaxassislariga nihoyatda muhtoj edi.

XX asrning boshlarida mas'um yuragi sof orzu umidlar bilan to'lib-toshgan, olis Germaniyaga ilm va baxt izlab ketgan yigit-qizlarimizning bir qismi vataniga qaytdi. Ammo nemis diyorida o'qib kelgan turkistonlik talabalarning ko'pchiligi Stalin repressiyalarining qurboni bo'ldi. Germaniyada o'qishni davom ettirayotgan ikkinchi guruh esa bu mudhish fojialardan xabar topib, sarosima va qayg'u tushdi. Buxoro hukumati yuborib turgan stipendiyalar, jamiyatlar tomonidan berilayotgan moddiy yordamlar butunlay to'xtab qoldi. Turkistonlik talabalar shunday og'ir sharoitda ham tahsilni davom ettirdi. Qiyinchilik va mashaqqatlarni yengib, o'qishni

tugatadi. Afsuski, Vatanda ularni olqish va guldastalar emas, tikanli simlar kutayotgan edi. Ular iztirob va vijdon azobi ostida ona yurtini qo'yib chet ellarga, jumladan, Turkiyaga ketishga majbur bo'lishadi. Ibrohim Yorqin, Tohir Chig'atoy, Ahmadjon Ibrohimov, Abdurahob Murodiy, Abdumajid Ibrohimov, Sattor Jabbor, Xayrinisa Majidxonova, Saida Sherahmedova, Maryam Sultonmurodova va boshqalarning hayot va faoliyatlari, 30-yillardagi achchiq qismatlari fikrimizning yaqqol dalilidir.

Shunday qilib, 30-yillarning ikkinchi yarmida O'zbekistonda

balarga ham vatan xoinlari sifatida munosabatda bo'lindi.

Taqdirimizga oq dog' bo'lib tushgan 30–50-yillardagi qatag'on qanchadan-qancha halol insonlarning umriga zomin bo'ldi. Ayniqsa, mustabid tuzum kirdikorlariga qarshi fikr bildirgan milliy ijodkor ziyolilarning bir qator vakillari – Munavar Qori Abdurashidxonov, Asadulla Xo'jayev, Ashurali Zohiriy, Elbek, Abdulla Qodiriy, Cho'lpon, Fitrat, Otajon Hoshimov, Usmon Nosir va boshqalar qatag'on qurboni bo'lishgan. Shunday qilib, sho'ro tuzumi, qatag'onlar yordamida o'rnatilgan



tartib kuchaytirildi, u norozilik va tashabbuskorlikni kuch bilan yo'q qildi, insoniyat va demokratiyani shafqatsizlarcha poymol qildi.

Ikkinchi jahon urushi arafasida va urushdan keyingi yillarda ham millat fidoyilarining boshidan qora bulutlar arimadi, ko'plari nohaq ayblar bilan qurbon bo'lishdi. Madaniyatimizning mashhur arboblari Abdulla Qahhor, Mirtemir va Turob To'la badnom etildi. Maqsud Shayxzoda, Mirzakalon Ismoilii, Shuhrat, Shukurullo, Said Ahmad singari adiblar, Hamid Sulaymon, Muhiddin qori Yoqubov,



Sulaymon Azimov, To'xtasin Jaliyov va boshqa olim-u san'atkorlar o'z hayotlarining muayyan yillarini qamoqlarda o'tkazdi. Oybek muharriri bo'lgan «Sharq yulduzi» jurnali alohida tanqidga uchradi. U kosmopolitizm, siyosatsizlikda, tartibsizliklarni keltirib chiqaradigan asarlarni chop etishda ayblandi.

1937–1939-yillarning o'zidagina O'zbekiston SSR Ichki ishlar xalq komissarligining uchliklari tomonidan 41 ming nafardan ko'proq kishi qamaldi. Shulardan 37 ming nafardan ortig'i sudlandi, 6 ming 920 nafar kishi otib tashlandi. 1939–1953-yillarda esa 61 ming 799 nafar kishi qamaldi. Shulardan 56 ming 112 nafari turli muddatga ozodlikdan mahrum qilindi. 7 ming 100 nafari esa otib tashlandi.

G'ayriqonuniy ravishda jinoiy javobgarlikka tortilganlar orasida olimlarni ham, harbiylarni ham, ziyolilardan tortib oddiy ishchilar-u dehqonlarni, hatto kosib va hunarmandlarni ham istagancha topish mumkin edi. Mustaqillikka erishgunimizga qadar qatag'onning manfur to'lqini doimo qalqib turdi. Bu borada 1980-yillarda tuhmat va bo'htonlar orqali «o'zbek ishi» tamg'asi bilan xalqimizning boshiga tushgan qora kunlarni ham unutilib bo'lmaydi. Gdlyan va Ivanov boshchiligidagi sobiq ittifoq prokuraturasi xodimlari «o'zbek ishi», «paxta ishi» kabi tuhmatlarni uydirishdi. O'zbek xalqi ochko'zlik, lagabardorlik, uydirmachilik va boshqa gunohlarda ayblandi. Birgina «paxta ishi» bo'yicha respublikaning 25 mingga yaqin aholisi sud va tergovsiz qamoqqa olindi.

Bugun davlatimiz rahbariyati tomonidan olib borilayotgan odilona milliy siyosat natijasida tarixiy haqiqat tiklanganini, tinchlik-osoyishtalik hukm surayotgan mamlakatimizda inson xotirasi va ma'naviy qadriyatlarga yuksak e'tibor qaratilayotganini alohida ta'kidlash lozim. Bu farzandlarimiz uchun muhim o'rnak bo'lib xizmat qiladi. O'zbekiston mustaqillik yillarida, haqiqatan ham, inson, uning hayoti, erkinligi, sha'ni va qadr-qimmatini ulug'langan davlatga aylandi.

G'ayratulla SHUKUROV,
o'z muxbirimiz.

Maqolani qoraqalpoq tilida o'qish uchun QR-kodni skaner qiling.



YOSH, LEKIN SINCHKOV

Andijon viloyati IIB JXX JTSB PPX batalyoni ikkinchi otryad inspektori, safdor Muhammadyusuf To'xtaraliyev endigina 23 yoshda. Yosh bo'lsa-da, dunyoqarashida teranlik, mulohazakorlik kuchli. Balki IIV Andijon akademik litseyida olgan tahsili uni zukko va oqil qilib tarbiyalagandir...

M u h a m m a d y u s u f 2022-yildan ichki ishlar organlarida xizmatni boshladi. O'shanda atigi 20 yoshda edi. Zimmasidagi mas'uliyatni his qila bilish salohiyati yoshga ham bog'liq. Lekin lavhamiz qahramoni ishga jiddiy kirishdi. Unda jamoat tartibini nazorat qilish borasida asta-sekin amaliy ko'nikma shakllanib bordi.

Bugun yosh inspektor osoyishtalikni saqlash maqsadida fuqarolar bilan samarali profilaktik suhbatlar olib boradi, o'ziga birlashtirilgan hududni sinchkovlik bilan kuzatadi. U xizmat faoliyatini olib borayotgan «Do'stlik» chegara posti nafaqat Andijon viloyati, balki respublikadagi eng katta chegara maskanlaridan hisoblangani uchun mas'uliyat ham shunga yarasha salmoqli. Ushbu post orqali kuniga minglab fuqarolar, 1000 tadan ortiq yuk mashinasi O'zbekiston va Qirg'iz Respublikasi o'rtasida kirdi-chiqdini



amalgam oshiradi. Chegaradan o'tayotgan ko'p sonli fuqarolar va avtomashinalar oqimi esa qat'iy sergaklikni talab qiladi. Shubhali shaxslarni e'tibordan chetda qoldirmaslik juda muhim. Avtomashinalarni saqlash borasida ham fuqarolarga

ko'rsatma berib turilmasa, noto'g'ri «parkovka» oqibatida tartibsizliklar kelib chiqishi mumkin.

Safidor Muhammadyusuf To'xtaraliyev PPX inspektori sifatida doim hushyor. U fuqarolar bilan muloqotda samimiylik va xushmu-

omalalikni o'ziga shior qilib olgan. Ayniqsa, yoshi ulug' insonlarga hurmat bilan yuzlanadi. Agar qoidabuzarlik kuzatilsa ham, imkon qadar jiddiy jarimalar qo'llamaslikka harakat qiladi. Axir keksa yoshda hamma qoidalarni ham

yodda saqlab qololmasligi mumkin-u...

Yosh xodim ko'p masalalarda bag'rikenglik, insoniylik tamoyillariga asoslanadi. Rahmdillik prinsipiga amal qilgan holda, xatosini tushunib, aybiga chin dildan iqror bo'lgan qoidabuzarni kechiradi. Darhol dalolatnoma tuzib, jarimaga tortish bu masalaning yechimi emas. Yechim – o'sha shaxsni keyingi safar xato qilmaslikka undashda. Bila turib qoida buzishga intilgan, jamiyatdagi obro'-e'tibordan, mansabidan foydalanmoqchi bo'lgan, aybini tan olishni istamaydigan shaxslarga esa qonun ustuvorligini anglatib qo'yish zarur. Bu lavhamiz qahramonining kasbiy qarashlari. Chunki uning maqsadi, birinchi navbatda, odamlarning og'irini yengil qilish.

Ha, aytgancha, yosh qahramonimiz yaqinda oila quradi. Yo'lingiz tushsa, Buloqboshiga to'yga keling. Andijonning to'y palovidan bir totib ketasiz...

Nigora TO'XTAMATOVA,
o'z muxbirimiz.
Andijon viloyati.

HALOLLIKNI SHIOR QILGAN XODIMLAR

«Xavfsiz va sog'lom yurt» profilaktik tadbiri davomida, poytaxtimizning Uchtepa tumani «Bekobod» MFYda yashovchi Alisher Nosirov (ismlar o'zgartirildi) ning xonadonida tintuv o'tkazildi. Natijada uning yotoqxonasidagi divan tagidan bir dona soz holatdagi elektron tarozi, javon tortmasidan yelim idishda noma'lum suyuqlik topildi. Xonadon hovlisidagi axlat idishdan esa selofan paketga alohida-alohida o'ralgan holatdagi qora rangli, o'tkir hidli saqichsimon hamda oq rangli tuzsimon modda, 72 dona oq-ko'k rangli kapsula ko'rinishidagi dori vositalari, shuningdek, yelim idish ichiga solingan o'tkir hidli to'q jigarrang saqichsimon modda topildi. Ushbu holat bo'yicha xolislar ishtirokida ashyoviy dalillar tegishli tartibda rasmiylashtirildi.

– Fuqaro Alisher Nosirov tuman IIOFMBga olib kelinganidan so'ng, o'ziga nisbatan yengillik yaratib berish va javobgarlikka tortmaslik evaziga 1000 AQSH dollari miqdorida pullarni pora tariqasida taklif

qildi, – deydi Uchtepa tumani IIOFMB Tezkor qidiruv xizmati Jinoiyat qidiruv bo'limi tezkor vakili,



leytenant Nuriddin Djurayev. – Unga bu harakati noqonuniylikini, pora berish-olish jinoyat ekanligini bir necha bor tushuntirdim. Ammo fikridan qaytmadi.

Giyohvandlik vositalarining noqonuniy muomalasi bilan bog'liq jinoiy qilmishining oqibatlarini bila turib, ikkinchi bora qonun buzishdan qaytmagan A. Nosirov va'da qilgan pullarni pora sifatida berayotgan vaqtida qo'lga olindi.

Leytenant Nuriddin Djurayev yosh, o'ziga nisbatan nihoyatda talabchan xodimlardan. Ustozi ayni paytda Toshkent shahar IIBB TQX JQB katta tezkor vakili, mayor Ravshan Bobojonovning yo'l-yo'riq va tavsiyalari asosida sohaning o'ziga xos jihatlarini puxta o'zlashtirib kelmoqda.

– Kasbim huquqshunos, – deydi Nurillo Umarov. – Farzandlarimni qiziqqan yo'nalishda ta'lim olib, jamiyatda o'z o'rnini topishi uchun doim ularni qo'llab-quvvatladim, – Bugun katta o'g'lim iqtisodchi,

qizim pedagog, ikkinchi o'g'lim Nuriddin esa ichki ishlar organlari tizimida xizmat qilyapti. Uni qaysidir ma'noda o'zimga izdosh, deb bilaman. O'g'lim hali yosh, unga zimmasiga yuklatilgan vazifalarni to'kis ado etib, halol va sidqidildan xizmat qilishi kerakligini ko'p ta'kidlayman. Zero, halollik nafaqat insoniy fazilatlar bezagi, balki kasb-korda ham izzat-hurmat, ham baraka keltiradi.

Qonun barchaga barobar. Oramizda leytenant Nuriddin Djurayev singari qat'iyatli, vijdonli insonlar bor ekan, jamiyatda belgilangan qonunlarni aylanib o'tmoqchi bo'lganlar oxir-oqibatda afsus chekib qolaveradi.

Gulnoza TURG'UNBOYEVA,
o'z muxbirimiz.

Toshkent shahri.

OQIBATI AFSUS «ISH»

Giyohvandlik – boshi berk ko'cha. Bu muammo dunyo ahlini tashvishga solayotgani rost. Giyohfurushlar oson yo'l bilan pul topish maqsadida zahri qotil savdosi bilan shug'ullanayotgani achinarli hol.

Урок духовности и просвещения

ЖЕРТВЫ РЕПРЕССИЙ – ЦВЕТ НАЦИИ

(31 августа – День поминовения жертв репрессий)

В 30-е годы на окраине Ташкента был пустынный овраг, образованный руслом канала Бозсу. Жители близлежащих махаллей избегали это место, называя его «Алвасти куприк» – «мост злых духов». По несколько раз за ночь сюда подъезжали машины. Раздавались оружейные залпы... Расстрельные команды сбрасывали тела в овраг и наспех засыпали землей.



Сегодня склоны бывшего кирпичного завода покрыты травой. Здесь на площади 17 гектаров раскинулся мемориал Памяти жертв репрессий. Комплекс состоит из парка, музея, ротонды с символическим камнем, на котором начертано: «Память о тех, кто погиб за Отечество, будет жить вечно».

История Узбекистана периода тоталитарного строя, установленного в первой половине XX века, связана с трагическими событиями: по сфабрикованным обвинениям репрессированы видные политические деятели, рабочие, дехкане, представители науки, культуры, образования. Среди них были и лидеры центральноазиатского джадидизма Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чулпан, Абдулла Кадыри...

Только в 1937–1953 годах в ходе «чисток» пострадали более 100 тысяч соотечественников, 13 тысяч были расстреляны. Людей репрессировали за то, что они осмелились иметь свои убеждения. Чтобы стать «врагом народа», достаточно было доноса. Система безжалостно ломала судьбы не только репрессированных, гонениям подвергались и члены их семей.

80-е годы. Новая волна карательных мер захлестнула республику. По так называемым «хлопковому» и «узбекскому» делам подверглись следствию 40 тысяч жителей республики, 5000 столкнулись с суровым уголовным преследованием. Это была кампания «десантников Центра».

С обретением независимости в Узбекистане начались масштабные преобразования. Одним из главных векторов государственной политики стало восстановление исторической правды и справедливости.

В республике осуществляется деятельность по увековечению памяти предков, проявивших самоотверженность в борьбе за свободу народа. Опубликованы научные труды, сборники документов и материалов, публици-



стические произведения «Катта қирғин»нинг келиб чиқиши арафасидаги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий шароит», «Тарихнинг номаълум саҳифалари», «Жадидчилик феномени», «Туркистон жадидларининг «Кўмак» ташкилоти», «Миллатимиз фидойилари» и др.

Значимым событием стало создание в 1999 году благотворительного фонда «Шахидлар хотираси».

Память о жертвах политических репрессий увековечена пу-

тем возведения мемориальных комплексов, создания музеев. 12 мая 2000 года в Ташкенте состоялось открытие комплекса Памяти жертв репрессий. В 2001 году установлен День поминовения жертв репрессий – 31 августа. Еще через год начал функционировать музей.

В 2017 году Президент Шавкат Мирзиёев инициировал организацию отделений музея в регионах, высших образовательных учреждениях. Так, в

городе Карши в древней мечети Одина создан музей, экспозиция которого, рассказывает о политике Центра, проводившейся в Туркестанском крае.

Постановление Президента Узбекистана «О расширении работы по изучению жизни и деятельности, увековечению памяти соотечественников, ставших жертвами политических репрессий» от 19 июля 2024 года подняло на качественно новый уровень рассматриваемую деятельность. Документом



одобрено предложение о ежегодном проведении в октябре Недели памяти жертв политических репрессий. Созданы Республиканская комиссия, региональные рабочие группы, в состав которых входят авторитетные ученые, специалисты по сбору и изучению документов о жизни и деятельности жертв репрессий, уникальных материалов, хранящихся в архивах и библиотеках. Продолжается издание многотомника «Қатағон қурбонлари», новой литературой пополнена электронная платформа «Jadidlar.uz». В махаллях, образовательных учреждениях проводятся мероприятия под девизом «Историческая память и духовное воспитание – фундамент Нового Узбекистана». Фондом «Нуроний», Ассоциацией махаллей Узбекистана, общественным фондом «Шахидлар хотираси», Республиканским центром духовности и просветительства, Агентством по делам молодежи организовываются встречи трех поколений. Цель – воспитание молодежи в духе патриотизма, уважения к памяти предков.

Особое направление работы – реабилитация репрессированных лиц. Только в 2021–2024 годах Верховным судом республики реабилитировано свыше 1200 соотечественников.

Как подчеркнул Президент, «в нашей жизни прочно утвердился благородный девиз «Человек – дорог, память – священна»... В нынешние мирные и свободные дни вспоминать имена наших героических предков, чтить их священную память – это и наш долг, и обязанность».

Радик ТУМΠΑРОВ,
соб. корр.



XODIMNING BIR KUNI

Kapitan Akmal Mirsagatov Bektemir tumani IIOFMB EKB eksperti sifatida jinoyatlarni «issiq izida» fosh qilishga munosib hissa qo'shib kelyapti. U tahlillarni sifatli o'tkazishga harakat qiladi. Kasbiga bo'lgan ishtiyoqi va sadoqatini fidoyilik bilan uyg'unlashtirib, namunali xizmat qilib kelayotgan xodimlardan biri. Uning bir kunlik xizmat faoliyati bilan tanishib bunga biz ham amin bo'ldik.

ER-XOTINNING URUSHI – DOKA RO'MOLNING QURISHI

Ertalabki soat 8:30da Bektemir tumani IIOFMB Navbatchilik qismiga Nurli yo'l ko'chasi Mirzagul 1-tor ko'chasi 26-uyda istiqomat qiluvchi onaxon qo'ng'iroq qilib, uyida kelini yo'qligi haqida xabar qildi. Voqea joyiga zudlik bilan

dan oshib tushgan. U yotoqxonadagi javon tortmasidan hamma pullarni, tilla taqinchoqlarni olib, voqea joyidan yashiringan. Kapitan Akmal Mirsagatovning voqea joyidan olgan barmoq izlari o'g'rining shaxsiga oydinlik kiritishda eng muhim asos bo'ladi deb o'ylaymiz.

kishining shaxsiga aniqlik kiritib berishini so'radi. O'z kasbining ustasi bo'lib ulgurgan lavhamiz qahramoni 4–5 daqiqada elektron tizim yordamida rasmdagi shaxsning kimligini aniqladi.

SAYOQ YURSANG, TAYOQ YEYSAN

Kechki soat taxminan 23:10larda «102» xizmatiga Rohat ko'chasida joylashgan Parfum do'koni yonida bir guruh o'smirlar o'zaro janjallashayotgani haqida xabar kelib tushdi. Aytilgan manzilga yetib borgan sohaviy xizmat xodimlari

izlari kimning haqligini ko'rsatishi tayin.

BAXT OILA TINCHLIGI BILAN TO'KIS

Bugungi xizmati biri ikkinchisini takrorlamaydigan holatlar bilan kechgan lavhamiz qahramoni o'z postini bo'limdagi hamkasbiga topshirar ekan: «Ba'zida navbatchilik qismiga birorta ham ko'ngilsiz holatlar bo'yicha qo'ng'iroqlar bo'lmaydi. Men doim shunday bo'lishini chin dildan xohlayman. Ammo hayot bir tekis emas, kutilmagan noxush holatlardan ko'z yumib ham bo'lmaydi», – dedi. Kapitan Akmal Mirsagatov ustoz Bektemir tumani IIOFMB EKB katta eksperti, mayor Farhod Azamatov bilan qariyb yetti yildirki, yonma-yon xizmat qiladi. Undan soha sirlarini qunt bilan o'rgandi. Xizmatda ustozining tavsiya, yo'l-yo'riqlariga amal qiladi.

Maqsadi ezgu bo'lgani uchun Akmal Mirsagatovning kunlari yorug', tunlari charog'on. Har gal faoliyatini yakunlagach, oila oshyoniga oshiqadi. Uni fayzli xonadonida pazanda, oqila va mehribon rafiqasi Sabina, «Dadajon», deya shodligi ichiga sig'may unga talpinguvchi farzandlari Yasmina, Muhammadali va Abubakir kutadi.

DALILLAR TILGA KIRSA...

Biz lavhamiz qahramonining bir kunlik xizmat jarayoni yakunlari bilan o'zimiz uchun qiziqdik. Birinchi holatga uyidan chiqib ketgan kelin dugonasining uyidan topilgani haqida ma'lumot oldik.

Archa tagidan topilgan shisha idishchadagi suyuqlik kuchli ta'sir qiluvchi dori ekan.

Uchinchi holatdagi o'g'ri shu xonadonda ishlab ketgan ustaligini voqea joyidan olingan barmoq izlari fosh etildi. U olib chiqib ketgan 20 million so'm pullarni o'zining shaxsiy ehtiyojlari uchun ishlatib, tilla taqinchoqlarni arzonarovga sotib yuborganini tan olibdi.

Tunda ko'cha kezmanlar bilan bog'liq to'rtinchi holatda esa uyali telefonlar va pullar egalariga qaytarilibdi.

Ushbu holatlarning barchasida qonunbuzarlarga tegishli tartibda chora ko'rilishi muqarrar.

Sirasini aytganda, yil boshidan buyon 80 ga yaqin voqea joyini ko'zdan kechirib, 50 dan ortiq ashyoviy dalillar olgan lavhamiz qahramoni ularni «gapirtirib», adolat tantanasiga munosib hissa qo'shyapti.

Gulnoza TURG'UNBOYEVA,
o'z muxbirimiz.

Toshkent shahri.

MAQSAD EZGU BO'LSA, kunlar yorug', tunlar charog'on

tergov-tezkor guruhi yetib bordi. Surushtiruvlar chog'ida bir kun avval er-xotin o'rtasida nizo kelib chiqqani ma'lum bo'ldi. Holat bo'yicha profilaktika inspektori oilaviy nizoning sabablarini o'rganishni boshladi. Ekspert Akmal Mirsagatov esa ushbu xonadon, er-xotinning yashash xonasi, buyumlar, javonlaridan holatga yanada aniqlik kiritish maqsadida tahlillar oldi.

QILIG'I SOVUQNING NIYATI SOVUQ

Soat 11:00 larda «Xavfsiz va sog'lom yurt» profilaktik tadbir doirasida Parkent yo'lida xizmat olib borayotgan tuman IIOFMB PPX xodimlari ikki noma'lum shaxsning xatti-harakatlari shubha uyg'otgani haqida xabar berishdi. Ushbu asosida voqea joyiga yetib borildi. Yigitlar yo'l yoqasidagi archa tagidan nimanidir kovlab olishga urinayotgandi.

Sohaviy xizmat xodimlari tomonidan daraxt tagidan ichida noma'lum suyuqlik bo'lgan flakon topildi. Ushbu holat va ashyoviy dalillar xolislar ishtirokida tegishli tartibda rasmiylashtirildi. Flakondagi suyuqlik nima ekanligiga oydinlik kiritish ekspert Akmal Mirsagatovga topshirildi.

O'G'RINING KO'ZI – O'LJADA

Soat 14:15. Navbatchilik qismiga tumanning «Zabardast» mahalla fuqarolar yig'ini Bog'i eram 6-tor ko'chasi 52-uyda o'g'rilik sodir bo'lgani haqida xabar kelib tushdi.

Voqea joyiga zudlik bilan yetib borgan tergov-tezkor guruhi xodimlari dastlabki surushtiruvdayoq ba'zi jihatlarga oydinlik kiritishdi. Ya'ni, xonadonda hech kim yo'qligidan foydalangan noma'lum shaxs hovliga qo'shnining devori-



BIRLASHGAN O'ZAR

Kapitan Akmal Mirsagatov voqea joyidan qaytib, xizmat xonasiga yaqinlashar ekan, uni Bektemir tumani IIOFMB huzuridagi Tergov bo'limi katta tergovchisi, mayor Sherzod Shomurodov kutib turganini ko'rdi. U hamkasbidan yurituvidagi ishi yuzasidan rasmdagi

4–5 nafar spirtli ichimlik iste'mol qilgan shaxslar 3 nafar o'spirinning yo'lini to'sib, ularning yonidagi puli va uyali telefonlarini olib qo'yib, yana pul talab qilishayotgani ustidan chiqishdi. Ammo talonchilik qilganlar aybini bo'yniga olishni istamasdi. Ekspert Akmal Mirsagatov tomonidan uyali telefonlar, pullardan olingan barmoq

SOHA FIDOYILARI

ZIMMASIDA MAS'ULIYAT,
NIGOHIDA SAMIMIYAT

Mabodo Navoiy shahrining Islom Karimov ko'chasidan o'tsangiz, avtomashinalar, piyodalar harakatini nazorat qilayotgan xodimga ko'zingiz tushadi. U YPX katta inspektori, katta serjant Furqat Sharipov. E'tibor bilan qarasangiz, bu yigitning har bir ishida mas'uliyat, nigohida samimiyat zohirligini ilg'aysiz.

Lavhamiz qahramoni ichki ishlar organlarida 17 yildan buyon xizmat qilib kelmoqda. Xizmat faoliyatining so'nggi 10 yili Navoiy viloyati IIB JXX YHXB YPX batalyoni 1-safarbarlik guruhida kechdi. U yo'l harakatini nazorat qilish, tartibga solish barobarida haydovchilar va piyodalar o'rtasida profilaktik suhbatlar o'tkazishga ham ulguradi.

– Yo'l harakatining har bir ishtirokchisi o'z mas'uliyatini his etsa, hech qanday noxush holatlar yuz bermaydi. Bizning vazifamiz faqat qoidabuzarlarni jarimaga tortish emas, balki qoidalarga rioya etish borasida targ'ibot ishlari ham olib borishdir, – deydi katta serjant Furqat Sharipov.

Lavhamiz qahramoni har kuni turfa fe'l-atvordagi yuzlab insonlar bilan to'qnash keladi, muloqot qiladi, har xil holatlarga guvoh bo'ladi. Ammo har qanday vaziyatda hammaga xushmuomalalik, og'ir-bosiqlik bilan munosabatda bo'ladi. «Xavfsiz yo'l», «Diqqat: piyoda!», «Tig'» profilaktik tadbirlarida faol ishtirok etadi.

Chorrahada xizmat olib borayotgan qahramonimiz tirbandliklarning oldini olib, piyodalar o'tishi uchun qulaylik yaratayotgan edi. Shu payt «Cobalt» rusumli avtomashina qarama-qarshi yo'nalishga chiqib, chorrahani kesib o'tdi. Furqat Sharipov keyingi chorrahadagi YPX inspektoriga avtomashinaning davlat raqam belgilarini aytib, uni to'xtatish lozimligini ta'kidladi. «Buzoqning yugurgani somonxonagacha» deganlaridek, qoidabuzar haydovchi ushlandi. Yo'lda xavfli vaziyat sodir etgani yetmaganidek, unda avtomashina boshqarish huquqini beruvchi birorta ham hujjat yo'q ekan.

Furqat Sharipov yillar davomida to'plagan boy tajribasini yosh xodimlarga o'rgatishdan erinmaydi. Ularga avvalambor YPX inspektoriga o'zi yo'l harakati qoidalarini, sohaga oid boshqa normativ-huquqiy hujjatlarni yaxshi bilishi, bahsli va nizoli vaziyatlarda o'zini boshqara olishi, fuqarolar bilan xushmuomala bo'lishi lozimligini uqtiradi.

Mahliyo XOLOVA,
o'z muxbirimiz.

Navoiy viloyati.

KARANTIN XIZMATI

AHOI SALOMATLIGI YO'LIDA

Yozning jazirama issig'ida oziq-ovqat mahsulotlari, ayniqsa, go'sht va sut mahsulotlari, turli tuzlama hamda salatlarini xarid qilishda ehtiyotkor bo'lmasak, sog'ligimiz uchun jiddiy xavf tug'iladi. Buning uchun bozor-u savdo do'konlarida sotilayotgan mahsulotlarning sifati, sanitariya-epidemiologik qoidalari rioya qilinishiga alohida e'tibor qaratishimiz lozim. Viloyat IIB JXX JTSB Karantin tadbirlarini ta'minlash guruhi xodimlari bizning bu boradagi ishonchli posbonlarimiz hisoblanadi.

– Yaqinda viloyatimiz bo'ylab o'tkazilgan «Xavfsiz hudud – dolzarb 30 kunlik» maxsus profilaktik tadbirlari davomida shahar va tumanlardagi markaziy bozorlarda joylashgan savdo do'konlarida karantin va sanitariya-epidemiologiya qoidalari rioya qilinishi tekshirildi. Veterinariya-sanitariya qoidalari normalarini buzganligi uchun 35 nafar shaxsga nisbatan ma'muriy javobgarlik choralari ko'rildi, – deydi guruh komandiri, kapitan Furqat Husainov.

Xususan, 8-iyul kuni Qorako'l tumanida o'tkazilgan maxsus profilaktik tadbir davomida «Darg'ali» mahallasida yashovchi H.B.ning xonadonidan 251 kg yirik shoxli hayvonga tegishli go'sht va go'sht mahsulotlarini noqonuniy tartibda, veterinariya-sanitariya qoidalari zid ravishda, tegishli veterinariya hujjatlarisiz sotish maqsadida saqlab kelayotganligi aniqlandi. Ushbu go'sht mahsulotlari iste'molga yaroqsiz deb topildi. Fuqaro H.B.ga nisbatan MJtKning 109-moddasi bilan ma'muriy bayonnoma rasmiylashtirildi.

Peshku tumani «Degdevon» mahallasida yashovchi E.Sh.ning yashash uyida noqonuniy kushxona borligi soha xodimlari tomonidan aniqlandi. U xonadonidagi qo'l-bola muzlatkichda 15 dona yirik mol boshi va 64 kilogramm go'sht hamda go'sht mahsulotlarini hech qanday tegishli hujjatlarsiz,

sanitariya qoidalari rioya etmagan holda saqlab kelayotgan ekan. Mazkur holat yuzasidan tuman VSEL xodimlari bilan hamkorlikda dalolatnoma tuzilib, yuqoridagilarning iste'molga yaroqliligini aniqlash maqsadida viloyat veterinariya laboratoriyasiga jo'natildi.

Shuningdek, Buxoro shahridagi Markaziy dehqon bozorida hamkorlikda o'tkazilgan tezkor profilaktik tadbirlarning birida Jondor tumanida yashovchi fuqaro hech qanday veterinariya hujjatlarisiz 1257 kg tovuq go'shti mahsulotlarini olib ketayotganligi aniqlandi. Holat yuzasidan fuqaroga nisbatan ma'muriy bayonnoma rasmiylashtirilib, mahsulotning yaroqliligini aniqlash uchun laboratoriyaga topshirildi.

Umuman, o'tgan olti oy davomida guruh tomonidan iste'molga yaroqsiz deb topilgan 9611 kg go'sht va go'sht mahsulotlari, 1059 kg sut va sut mahsulotlari, 7914 kg baliq, 11800 dona tuxum, 3497 kg tuzlama va 3383 kg noma'lum sharoitda tayyorlangan oziq-ovqat savdosi o'z vaqtida to'xtatib qolindi. Shu kunga qadar veterinariya-sanitariya qoidalari normalarini buzganligi uchun 206 nafar fuqaroga nisbatan ma'muriy bayonnoma rasmiylashtirilib, qonun ustuvorligi ta'minlandi.

Mirzoqul AHADOV,
o'z muxbirimiz.

Buxoro viloyati.





Спорт

ПРИЗЕР МЕЖДУНАРОДНОГО ТУРНИРА

С 21 по 23 июля в Париже проходил Международный турнир по курашу на приз Президента Республики Узбекистан. В соревнованиях приняли участие около 100 сильнейших спортсменов из 25 стран.



Среди атлетов выступила старший специалист МООН Хорезмского областного УВД младший сержант Мухлисахон Кадирбергана. Она заняла почетное третье место в поединках среди женщин в весовой категории до 70 килограммов.

– Местом проведения турнира была выбрана открытая площадка рядом с Эйфелевой башней, что создало особую атмосферу, – говорит Мухлисахон. – Поединки носили боевой, бескомпромиссный характер. Каждый стремился выложиться по полной, продемонстрировать навыки и мастерство. Хотя мне не удалось стать сильнейшей, я сумела войти в число призеров, и посвящаю свою победу 34-й годовщине независимости страны.

В ее послужном списке достаточно ярких выступлений и престижных наград. М. Кадирбергана 12-кратная чемпионка Узбекистана по самбо и национальному курашу, победительница четырех международных турниров, трижды становилась чемпионкой Азии, выиграла один чемпионат мира, трижды становилась призером мировых первенств.

Худойберган ЖАББОРОВ,
соб. корр.

Хорезмская область.



Служба пробации

СДЕЛАТЬ ПРАВИЛЬНЫЕ ВЫВОДЫ

Цель службы пробации – предупредить рецидивные преступления, помочь избежать неверного шага и вернуться к нормальной, законопослушной жизни. Через индивидуальные планы, правовое просвещение, психологическую помощь подучетные учатся брать ответственность за свое будущее.



В рамках второго этапа оперативно-профилактического мероприятия «Безопасная и здоровая страна» Управлением пробации СОБ ГУВД Ташкентской области была организована встреча с подучетными городских и районных подразделений.

– На встрече приняли участие 46 подучетных. Речь шла о недопустимости нарушения ограничений, установленных судом, необходи-

мости налаживания нормальных отношений с близкими, ведения здорового образа жизни. Озвучены требования, предъявляемые к осужденным, претендующим на условно-досрочное освобождение от наказания, – говорит заместитель начальника Управления пробации подполковник Зокир Мусав. – Наша служба наглядно показывает – общество готово дать шанс оступив-

шимся. Мы помогаем людям вернуться на правильный путь, но это возможно только при условии, что они сами сделают верные выводы и захотят измениться.

В рамках мероприятия даны квалифицированные юридические консультации. Кроме того, 5 человек получили направления на работу в отдел благоустройства. Взят


ты на контроль оформление направлений на бесплатное медицинское обследование двум подопечным, а также обращение подучетного о содействии в получении субсидии для открытия малого предприятия в сфере изготовления мебели.

Сарвар АНВАРОВ,
майор.
Радик ТУМΠΑРОВ,
соб. корр.



Тема для размышления

КЛЮЧИ ОТ АВТОМОБИЛЯ – В ОТВЕТСТВЕННЫХ РУКАХ



Практика показывает: часть дорожно-транспортных происшествий с участием несовершеннолетних происходит по одной и той же причине – передача им управления транспортным средством взрослыми. На первый взгляд, ситуация может показаться безобидной: подросток просит «просто проехать несколько метров» или «посидеть за рулем». Но любая уступка в этом вопросе – это прямое нарушение закона и осознанный риск для жизни и здоровья людей.

У несовершеннолетних отсутствуют не только водительские навыки, но и необходимый опыт прогнозирования дорожных ситуаций. Даже при малой скорости вероятность ошибки остается высокой, а последствия – непоправимыми. Достаточно одного неверного движения рулем или нажатия на педаль газа, чтобы безобидная просьба обернулась трагедией.

Передача управления лицу, не имеющему права на вождение, – администра-



тивное правонарушение, ответственность за которое несет взрослый, допустивший его. Но за рамками закона остается самое главное – моральная ответственность за возможные последствия. Родители и родственники должны понимать: автомобиль – это источник повышенной опасности, а ключи от него – предмет, требующий максимальной осмотрительности.

Каждое «нет» в ответ на детскую просьбу сесть за руль – это вклад в безопасность ребенка и окружающих. Каждая твердая позиция взрослого – это профилактика несчастных случаев и сохраненные жизни.

Берегите детей. Не позволяйте им рисковать там, где цена ошибки слишком высока. Автомобиль должен оказаться в распоряжении только тогда, когда лицо достигнет установленного законом возраста, получит соответствующие знания, навыки и право на управление транспортным средством.

Юлия ЧАЙКИНА,
соб. корр.

▶ **ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ**

ОҚИЛ МАСЛАХАТЧИЛАРДАН БИРИ

– Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Шундай экан, мазмунли яшашга, эл-юртга содиқлик билан хизмат қилишга, ўзидан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилиш керак. Шунда ҳамкасбларинг, шогирдларинг ва қолаверса, маҳалладошларинг ўртасида обрў-эътиборга эга бўласан, – дейди истеъфодаги майор Равшан Содиқов.

1953 йилда Шофиркон туманида дунёга келган Р. Содиқовнинг ҳаёти бир воқеа сабаб тубдан ўзгариб, ўзига муносиб касбни танлади.

– Отам билан бозорга чиққандик. Қайтаётганимизда йўлнинг ўртасида одамлар тўпланиб туришган экан. Биз ҳам шу томон юрдик. Қарасак, бир одамнинг ҳаммаёғи қон, ерда чўзилиб ётибди, – дейди Р. Содиқов. – Ўшанда отамдан сўраб, кўп нарсани тушундим. Ҳайдовчи йўловчини уриб, қочиб кетган. Йўл назорати ходимлари уни ушлаб келтиришибди. Шундан сўнг икки касб ҳаётда жуда муҳимлигини англадим. Бири шифокорлик бўлса, иккинчиси осойишталик посбони. Мен шулардан бирини келгусида эгаллашга жазм этдим...

Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган Равшан ака орзусидаги касб сари қадам қўйиб, Бухоро тумани ИИБда ЙПХ инспектори лавозимида хизмат фаолиятини бошлади. Вақт ўтиши билан бу касбни мукамал эгаллаш учун махсус билим ва



тажрибага эга бўлиш мақсадида ИИБ Тошкент олий мактабининг сиртки таълим йўналишида таҳсил олди. 1977 йили лейтенант унвонида Шофиркон тумани ИИБ бошлигининг биринчи муовини

лавозимида хизмат фаолиятини давом эттирди.

Лавҳамиз қаҳрамонининг ўзига талабчанлиги, ишчанлиги эътиборга олиниб, бир йил ўтгач, Навоий шаҳар ИИБ ДАН Рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлими бошлиғи лавози-

тугатди. Билим юртида олган назарий билимларини амалиётга татбиқ этиш борасида тинимсиз меҳнат қилди, изланди. Хуллас, 1993 йилгача Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятининг Косон ҳамда Муборак тумани ички ишлар бўлимларида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, майор унвони билан пенсияга чиқди. Сўнгра Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида таъминот бўлими бошлиғи вазифасида олти йил меҳнат қилди.

– Равшан Содиқов нафақат ўз оиласининг, балки қишлоғимизнинг ҳам оқил маслаҳатчиларидан бири. Турли масалаларда ҳам биз каби ишбилармонларга ҳамшиша ҳуқуқий маслаҳатлар бериб келади. Бундан ташқари, қишлоқ ободончилиги ва бунёдкорлиги борасида тиним билмайди, – дейди меҳнат фахрийси Фармон Турдиев.

Истеъфодаги майор Равшан Содиқов турмуш ўртоғи Рўзибиби ая билан уч ўғилни эл корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашди. Уларга соф виждонли, ҳалол ва меҳнатсевар бўлишларини тинмай уқтиради. Ота ўғитларига қулоқ солган, маслаҳатларига амал қилган фарзандлари кам бўлишмади, турли лавозимда ишлашади.

Мирзоқул АҲАДОВ,
ўз мухбиримиз.

Бухоро вилояти.

▶ **QILNI QIRQ YORIB**

МАНОРАТ МЕЗОНЛАРИ

Podpolkovnik Zafar Xolmatov sohadagi xizmatini 2003-yilda ekspertlikdan boshlagan edi. 2022-yildan beri Samarqand viloyati IIB Ekspert-kriminalistika markazi Maxsus tadqiqotlar bo'linmasi boshlig'i lavozimida faoliyat olib bormoqda. Ayniqsa, giyohvandlik vositalari, kuchli ta'sir qiluvchi psixotrop moddalar ekspertizasi bo'yicha boy tajriba to'plagan.

– Har bir ekspertiza xulosasi uchun mutaxassis shaxsiy javobgar hisoblanadi. Ayrim hollarda haqiqatning tagiga yetish uchun murakkab tadqiqotlar o'tkazishga to'g'ri keladi, – deydi podpolkovnik Zafar Xolmatov.

Lavhamiz qahramonining fikrini uning faoliyatida bundan bir necha yil muqaddam sodir bo'lgan quyidagi voqea ham isbotlaydi. O'shanda yoshgina yigit hushini yo'qotib, kasalxonaga tushadi. Uning qon tahlillari mutlaqo toza edi, hech qanday standart giyohvandlik vositasi izlari topilmaydi. Shifokorlar nima deyishni bilmay ojiz qolishadi. Shunda aynan podpolkovnik Zafar Xolmatov sinchkovlik bilan nozik tahlil o'tkazib, yigitning qonidan yangi turdagi sintetik modda topadi. Shu tariqa jinoyatni fosh etish barobarida yana bir necha insonning hayotini saqlab qoladi.

Zafar Xolmatov nafaqat mohir ekspert, balki g'amxo'r va talabchan ustoz ham. U yangi avlod kriminalistlarini tarbiyalashni o'zining burchi hisoblaydi. Shogirdlariga: «Har gal ekspertiza tadqiqoti o'tkazish chog'ida uning ortida odam hayoti, taqdiri turganligini unutmang», – deb tez-tez takrorlaydi.

Bugungi kunda ushbu soha xodimlari zamonaviy texnologiyalar bilan jihozlangan laboratoriyalarda faoliyat yuritmoqda. O'ta aniqlikda ishlaydigan uskunalar, raqamli mikroskoplar, raqamlashtirilgan ma'lumot bazalari jinoyatlarni aniqlashda muhim vosita hisoblanadi. Biroq



texnik jihozlardan tashqari, bu sohada samarali ishlash uchun yuksak mas'uliyat hissi, sinchkovlik, tahlil qilish qobiliyati hamda tegishli normativ-huquqiy hujjatlar talablarini chuqur bilishi ham lozim. Lavhamiz qahramoni ushbu mezonlarga og'ishmay amal qiladi, qo'l ostidagilardan ham shuni talab etadi.

Umida MAMADALIYEVA,
o'z muxbirimiz.

Samarqand viloyati.



VATAN SHA'NIN ULUG'LAB...

Boks va yakkakurash bo'yicha sakkiz karra O'zbekiston chempioni, ikki karra MDH mamlakatlari, xalqaro turnirlar g'olibi, Osiyo va jahon chempioni Muhammadali Abdurahobovning nomi ko'pchilikka yaxshi tanish. Muhammadali sportda erishayotgan muvaffaqiyatlari bilan birga, yurt posboni degan sharafli burchni ham sadoqat bilan bajarib kelayotgan yurt o'g'lonidir. U ayni paytda Namangan viloyati IIB JXX Jamoat tartibini saqlash boshqarmasi bo'linmalari saf bo'linmalari patrul-post xizmati batalyoni maxsus otryad otliq guruhi PPX inspektori lavozimida o'z faoliyatini olib bormoqda.

Muhammadalining bolaligidan sport sohasini tanlab, o'z ustida tinimsiz ishlashi muvaffaqiyatlar sari yetakladi. Ustozlari o'gitiga quloq tutib, katta yutuqlarga erishdi.

– 2019-yili Qirg'iz Respublikasi MDH davlatlari o'rtasida tashkil etilgan xalqaro turnirda maydonga qozog'istonlik kuchli bokschi Ergo Ne'matboyev bilan ringga tushganida raqibimning kuchliligidan biroz cho'chiganman. Lekin mashqdagi qattiq mehnat o'z so'zini aytdi, men turnirning g'olibi bo'ldim. Shu yili jarohat oldim, sog'ayib, harbiy burchni bajarishga otlandim. Qurolli Kuchlar safida xizmat jarayonida ham sport bilan muntazam ravishda shug'ullanib, o'z ustimda ishladim. 2023-yil may oyidan boshlab ichki ishlar organlarida o'z xizmat faoliyatimni boshladim,

– deydi safdor M. Abdurahobov.

Muhammadali xizmat vazifasini uddalashga kirisharkan, topshiriqlarni o'z vaqtida bajardi. Bu soha lavhamiz qahramonini yanada tob-lantirdi, qiyinchiliklardan cho'chimaslikka, har qanday sharoitda o'z maqsadlaridan chekinmaslikka o'rgatdi. Ishdan bo'sh vaqtlarida vaqtini kitob o'qishga, ruhiy tarbiyaga qaratdi. Sportchining kuchini aql bilan to'g'ri yo'naltirishi, boshqarishni bilishi, psixologik tomondan ham ruhiyatini ko'tarishga intilishi kerak.

Ba'zan maydonga tushgan kuchli sportchining so'nggi daqiqalarda vaziyatni qo'ldan boy berganiga ko'p guvoh bo'lganmiz. Muhammadalining fikricha, tuyg'ularni boshqarish, o'z kuchiga ishonish muhim, raqibni chalg'itish uchun bilakdagi kuchning o'zi ye-

tarli emas. Buning uchun psixologik bilimlar ham zarur. Yigitning bu boradagi izlanishlari uni har yili ketma-ket shohsupaning yuqori pog'onasida qolishini ta'minladi, desak, mubolag'a emas.

Shundan so'ng u sportning aralash jang san'ati turlari toifasiga kiruvchi «Kombat Usmonov» turi bo'yicha shug'ullana boshladi. O'tgan yilning fevral oyida Andijonda o'tkazilgan nufuzli musobaqada jahon chempioni kamariga sohiblik qildi.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, O'zbekiston jahon chempionlari yetishtirib chiqarishda yetakchi o'ringda turadi. Jahonning yuksak arenalarida maydonga chiqqan sportchi uchun Vatan bayrog'ini baland ko'tarishdan-da ortiqroq baxt bo'lmasa kerak.

Muhammadalining yutuqlaridan ota-onasi ayniq-



sa quvonishadi. Oilaning kenjasi bo'lgan chempion yigitning erishayotgan yutuqlarida ularning hissi katta bo'lib, farzandi uchun barcha shart-sharoitlarni yaratib berishgan. Chempion yigitning hayoti baxt va omadlarga to'la bo'lishini tilab qolamiz.

on yigitning hayoti baxt va omadlarga to'la bo'lishini tilab qolamiz.

**Gulchehra
BUVAMIRZAYEVA,
o'z muxbirimiz.**

Namangan viloyati.

JINOYAT VA JAZO

UDDABURON «QURUVCHI»

Ishonch – eng qimmat boylik. Biroq ayrimlar bu boylikdan ezgu maqsadlarda emas, balki shaxsiy manfaat yo'lida foydalanishga urinadi. Firibgarlik esa, faqat qonun buzilishigina emas, balki insonlar o'rtasidagi ishonch rishtalarini uzadigan, jamiyatning ma'naviy poydevoriga raxna soladigan illatdir.



Samarqand shahrida yashovchi Salom Xoldorov (ism-sharifi o'zgartirildi) katta boylik orttirish ilinjida odamlarning ishonchini poymol etdi. U dastlab «Muhammad Ali Story Ser-

vis» nomli MCHJ korxonasini ochadi. Sariosiyo tumanida «Lutfikor» mahallasi hududida joylashgan «Yangi O'zbekiston» massividan aukcion orqali uy-joy qurish uchun yer may-

doni sotib oladi. Biroq tegishli tartibda ro'yxatdan o'tmaydi. Boz ustiga, turarjoy binosi qurilishini boshlash uchun tegishli xulosa olmay, fuqarolarning ishonchiga kirishga urinadi.

Ishni uy olish istagida yurgan mahalliy aholi vakillarini izlashdan boshlaydi. Ulardan biri – tumandagi «Bo'yrapo'sh» mahallasida yashovchi Odil Hakimovga 6 oy muddat ichida turarjoy binosini to'liq qurib topshirishni va'da qilib, aldab, ishni go'yoki iqtisodiy nizo tariqasida ko'rsatish maqsadida, shartnoma imzolatilab oladi. Shundan so'ng qurilmagan uy-joy uchun O.Hakimovdan 437 million 100 ming so'm miqdoridagi naqd pulni oladi va bu mablag'ni korxonaning bank hisob-raqamiga kirim qilmasdan, shaxsiy manfaati yo'lida ishlatib yuboradi.

Tabiiyki, bugun uy-joy olaman degan xaridor ko'p. Ayniqsa, arzon narxda uy-joy izlab yurganlar qancha. Shunday fuqarolardan biri «Yangi hayot» mahallasida yashovchi Iroda Janiyeva ham S.Xoldorovning to'riga ilinadi. Unga ham 6 oyda qurilish ishlari yakunlanishini aytib, uy-joy narxini 300 million so'mga kelishadi. Pulning bir qismini bosh-

lang'ich to'lov uchun to'lash kerakligini aytib, ayoldan 54 million 860 ming so'm naqd pul mablag'ini olgan uddaburon «quruvchi» shu zahoti g'oyib bo'ladi.

Sodda odamlar yiqqan-tergan pulini hujjatlarni tekshirmay, aldovlarga uchib, osongina olib kelib berayotganini ko'rgan Salomning nafi hakalak otadi. U ish boshqaruvchisi Hamro G'ulomov bilan birga, aldov yo'li bilan naq 22 nafar kishining ishonchiga kiradi va ularning 2 milliard 414 million 524 ming so'm pul mablag'ini soxta shartnomalar orqali o'zlashtirib oladi.

Pullarini berib qo'yib, quruvchini ham, uy-joyini ham topolmay sarson bo'lgan fuqarolarning borar manzili Uzun tumani IIB bo'ldi. Tergov guruhi tergovchilari ishga kirishgach, barchasi oydinlashdi. To'g'ri, firibgarining qilmishlarini birma-bir isbotlash oson bo'lmadi. Ammo tergovchilar buni uddalashdi. Firibgarlarga qonunan chora ko'rilishiga erishildi.

**Haqnazar SAFAROV,
mayor.
Feruza RAHMONQULOVA,
o'z muxbirimiz.**

Surxondaryo viloyati.

■ Бухарская область

РЕАЛИЗОВАТЬ ПОТЕНЦИАЛ


Роль наставника высока в становлении специалиста той или иной сферы. Неспроста по значимости его ставят вровень с родителями.

Много воды утекло с того времени, как инспектор по важным поручениям группы по обеспечению режима секретариата организационного управления УВД области лейтенант Собиржон Закиров пришел в органы внутренних дел. Ныне он помогает советами молодым коллегам.

Окончив Бухарский техникум нефтегазовой промышленности, Собиржон Закиров в 2002 году начал службу сотрудником 1-го батальона отдела охраны областного УВД. Вскоре его назначают командиром отделения. Позже был дежурным инспектором дежурной части, начальником канцелярии Следственного отдела при УВД области.

– С помощью наставников обретал необходимые навыки. Когда служил в отделе охраны, большую поддержку оказывал сержант Шавкат Саидов. Ныне он на заслуженном отдыхе. Хочу особо отметить роль начальников управлений, полковников в отставке Шавката Мухаммедова, Равшана Рахмонова, подполковника в отставке Лазиза Избуллаева, благодаря которым достиг успехов в службе, – говорит лейтенант С. Закиров.

Какую бы должность ни занимал герой очерка, он всегда проявлял ответственность, трудолюбие, стремился с честью выполнять служебные обязанности и задания руководства. За это и готовность помочь



коллегам заслужил уважение. Он мечтал получить высшее образование. Когда ввели заочную форму обучения, подал документы и успешно сдал вступительные экзамены в Бухарский государственный университет. В минувшем году окончил вуз и получил диплом бакалавра. Недавно согласно приказу МВД ему было присвоено звание лейтенанта.

Собиржон Закиров вместе с супругой воспитывает троих сыновей. Старший сын Сардор, окончив Бухарский академический лицей МВД, поступил на факультет психологии Бухарского государственного университета. В будущем намерен пойти по стопам отца.

Мирзокул АХАДОВ,
соб. корр.

■ Республика Каракалпакстан

Один из таких сотрудников – инспектор группы профилактики правонарушений отделения Нукусской станции Управления обеспечения безопасности на транспорте МВД Республики Каракалпакстан лейтенант Шерзад Казакбаев. В мае этого года он вместе с семьей принял участие в смотре-конкурсе «Образцовая семья» среди сотрудников Департамента обеспечения безопасности на объектах транспорта и туризма, состоявшемся в Джизакской области, где занял первое место. На республиканском этапе в Ташкенте его семья стала победителем в номинации «Активная семья».

Лейтенант Шерзад Казакбаев родился в 1986 году в Ходжейлийском районе. После окончания школы поступил на математический факультет Каракалпакского государственного университета им. Бердаха. Получив диплом, некоторое время преподавал в местном колледже. В органы внутренних дел перешел в 2011 году, начав службу сотрудником ППС Кунградского отраслевого ОВД Управления обеспечения безопасности на транспорте. Позднее работал помощником дежурного отделения Ходжейлийской станции,

ГЛАВНОЕ – ДОВЕРИЕ И УВАЖЕНИЕ

От сотрудников органов внутренних дел требуется не только образцовое несение службы. Они должны быть примером в быту, содействовать укреплению моральных устоев общества.



сотрудником батальона сопровождения пассажирских поездов, инспектором группы профилактики правонарушений отделения Кунградской станции. За профессионализм и ответственное отноше-

ние к службе заслужил уважение коллег.

– Не зря семью называют колыбелью воспитания и основной ячейкой общества. Именно дома формируется характер будущего гражданина, закладываются на-

ки. С этой точки зрения обязанности родителей не ограничиваются только материальным обеспечением семьи. Они гораздо шире и ответственнее, ведь от правильного воспитания зависит будущее ребенка,

– отмечает лейтенант Ш. Казакбаев. – Мой покойный отец Атамурат был бухгалтером. Он ценил точность, дисциплину и порядок, часто повторял: «Помогайте нуждающимся бескорыстно». Нас в семье было четверо – три сына и дочь. Мать, Шарипахон, работала в школе. Быть сыном учительницы означало необходимость быть примером для других в учебе и поведении, и мы старались соответствовать этому неписаному правилу. Теперь стремлюсь передать эти качества своим детям. Ценность семейного спокойствия я осознаю и благодаря службе, работая с несовершеннолетними.

У лейтенанта надежный тыл – супруга Эленора Даулетмуратова и трое детей: Асадбек, Гулноза и Гулинигор. В семье создаются условия для их всестороннего развития. Есть и свои победы: Асадбек успешно изучает английский язык и математику, Гулноза увлекается химией и математикой, а Гулинигор занимается творчеством.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
соб. корр.



«ADOLAT»: QONUN VA RUHIYAT G'ALABASI

O'z kasbiga sodiq huquq-tartibot organlari xodimlarining mashaqqat to'la xizmatini har qachongidan ham aniq va chuqur aks ettirgan, qonun va adolat posboni hisoblangan har bir kishiga ruhan yaqin bo'lgan «Adolat» filmi shunchaki kinokartina emas, balki haqiqat, jasorat va huquqning o'zgarimas tamoyillari haqidagi kuchli kinematografik mahsulotdir.



ISM-U JISM UYG'UNLIGI

Syujet markazidagi prokuratura tergovchisi ism-sharifining o'ziyoq odillikni, odamlarga yaxshilik qilishni va adolat qilichi hech qachon sinmasligini anglatadi hamda bosh qahramonning hayotiy g'oyasiga to'liq mos keladi. Ismi jismiga monand Adolat Aliyeva — haqiqiy professionallikning namunasidir. U aslo shaxsiy manfaatini ko'zlab ish tutmaydi. Aksincha, xususiy sektorda yuqori martabaga ega bo'lish bo'yicha har qanday taklifni rad etadi.

Uning yagona maqsadi — jinoyatchilarni fosh etish va ularning oliyaviy ahvoli yoki jamiyatdagi yuqori mavqeyiga qaramay, qonunning g'alabasiga erishishdir. Adolat prokurorning qonun himoyachisi sifatidagi haqiqiy mohiyatini o'zida mujassam etgan bo'lib, uning jinoyatchilikka qarshi jasoratli kurashi taqdirning keskin burilishlari orqali ochib beriladi.

KUTILMAGAN BURILISH

Film keskin va mutlaqo kutilmagan burilishlarga boy. Aynan shunday burilishlardan biri tufayli Adolatning o'zi fojia markaziga tushib qoladi.

Turmush o'rtog'i va qizini o'ldirishda ayblanib, qamoq kamerasida uyg'ongan Adolat hayotining so'nggi to'rt oyi haqidagi xotirasi butunlay o'chib ketganini bilgach, yanada dramatik kol-

liziyalarga duch keladi. Bu tasodifiy holat tomoshabin e'tiborini bir zumdada o'ziga jalb qiladi va filmni keskin detektiv-dramatik asarga aylantiradi.

Endilikda qahramon nafaqat umum adolat uchun, balki o'zining aybsizligini isbotlash uchun ham kurashishga majbur bo'ladi. Voqealarning kutilmagan burilishlari va kuchayib borayotgan fitnalar girdobi tomoshabinni so'nggi daqiqagacha hayajonda ushlab turadi,


bir lahzaga bo'lsin, kechmishlar silsilasidan chiqib ketishga imkon bermaydi.

«Adolat» filmi nafaqat o'z dinamikasi bilan tomoshabin diqqatini jalb qiladi, balki jamiyatdagi ko'plab dolzarb muammolarga ham e'tibor qaratadi. Qonuniylik uchun murosasiz kurash prizmasi orqali ularni hal qilish yo'llarini taklif qiladi. U qonun oldida hamma teng ekanligi va jinoyatni yashirish yoki obro'dan foydalanishga urinishlar adolatning muqarrar g'alabasiga to'sqinlik qila olmasligi haqidagi fundamental prinsipni ta'kidlaydi.

shib ketgani esa tomoshabinga har bir obraz, har bir hissiyotni yuksak mahorat bilan yetkazish imkonini bergan. Natijada filmni ko'rgan tomoshabin uning dramatik muhitidan mutaassir bo'la oladi.

HAMKORLIK VA HAMJIHATLIK MEVASI

Ta'kidlash joizki, o'ziga xos mantiqiy yechimga ega bo'lgan mazkur kinoasar O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi hamkorligining hamda «Fan Entertainment» kinostudiyasi va O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi huzuridagi



MAHORAT O'Z SO'ZINI AYTGAN

Kartinadagi asosiy rollarni o'zlari yaratgan qator kino qahramonlari bilan tomoshabinlar qalbidan chuqur joy egallagan aktyorlar — Ra'no Shodiyeva, Matyoqub Matchonov, Bobur Yo'ldoshev, Umid Xo'jayev, Shohsanam Abdiyamilova va boshqalar mahorat bilan ijro etishgan.

Tajribali aktyorlar ansambli bilan debyutantlar ijrosining uyg'unla-

Kinematografiya agentligi hamjihatligining samarasidir.

Ulug'bek Abdusoatov senariysi asosida suratga olingan filmga Ilhom Muhammadibrohimov va Zohid Zokirovlar rejissyorlik qilishgan. Hasan va Husan Otaboyevlar suratga olgan sahnalar kinokartina-ning yanada jozibali bo'lishiga xizmat qilgan.

Xulosa o'rnida aytish mumkin-ki, «Adolat» — shunchaki badiiy film emas, balki huquq-tartibot organlari xodimlarining ishi naqadar mashaqqatli ekanligi, ularning burchga sadoqati va adolat doimo g'alaba qozonishi haqidagi kuchli eslatmadir. Bu kartina, shubhasiz, qonunning g'alabasini qadrlaydigan va adolatning kuchiga ishonadigan har bir kishi uchun muhim voqea bo'ladi.

Aziza BOXODIROVA,
mayor.

XALQ HIKMATLARI

Ishonch kuchingga kuch qo'shadi.

O'ziga ishonganni yengib bo'lmaydi.

Nafrat joy olgan ko'ngilda muhabbatga o'rin qolmaydi.

Yaxshini yomondan ajratolmagan odam har qadamda pand yeydi.

Harakat kishini maqsadga yaqinlashtiradi.

Dard mardni yengolmaydi.



Vaqtning o'ziga bo'ysundirmoqchimisiz, bir daqiqani ham behuda o'tkazma.

Soniya ham umrning bir zarrasi.

O'ch olishga ketgan vaqt eng bema'ni vaqtdir.

Ko'nglida yomonligi bo'lmagan kishi yomonni o'ziga yaqin tutmaydi.

Havas bilan hasadning orasi bir qadam.

Ikkilangandan tavakkal qilgan yaxshi.

Yaxshining qadriga yetmaganing kuni yomonga qoladi.

Mehnatning rohati bo'lmasa ham samarasi bo'ladi.

Qo'lidan ish keladigan kishi ko'chada qolmaydi.

Kishining qaysarligi o'ziga qimmatga tushadi.

Bir so'z bilan qolgan ko'ngilni ming so'z bilan olib bo'lmaydi.

Mardlik tilda emas, dilda bo'ladi.

Birovni ahmoq qilgan aslida o'zining ahmoqligini ko'rsatgan bo'ladi.

Birovni ayblash o'zini oqlashdir.

Muqaddas ARIPDJANOVA
to'pladi.

ORAMIZDAGI ODAMLAR

MATONATDAN YARALGAN UMR

Mamlakatimiz ta'lim muassasalarida minglab ustoz va murabbiylar ertamiz egalariga ta'lim-tarbiya berish yo'lida fidoyilik ko'rsatmoqdalar. Ana shunday jonkuyar insonlardan biri Jizzax shahridagi 26-sonli o'rta umumta'lim maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchisi Ro'zigul Orziqulovadir.

Yarim asrlik pedagogik faoliyati davomida ustoz o'quvchilariga nafaqat ilm berishi, balki mehr ulashishi bilan ham hurmat qozongan. Muallima har bir boladagi iqtidor va qobiliyatni sezadi va ruhlantiradi. O'z navbatida, o'quvchilar mehribon o'qituvchining e'tirofini qozonmoq uchun astoydil harakat qiladilar. Muallimadagi qat'iyat esa intizom garovi.

Hamkasblari: «Darslarni birdek o'zlashtiradigan, yozuvi bir xilda chiroyli o'quvchilarni ko'rmoqchi bo'lsangiz, Ro'zigul Orziqulovaning sinfiga kiring», – deyishadi. Lavhamiz qahramoni yangi bilimlarni o'zlashtirishdan, izlanishdan to'xtamaydi. Chunonchi, u yuzdan oshiq dars ishlanmalari, to'qqiz yuzdan ziyod ko'rgazmali vosita, qariyb yuzta ko'rgazmali

qurolning muallifi hisoblanadi.

Mazkur sa'y-harakatlari o'laroq 2004-yilda uning sinfxonasi Jizzax shahrida «Eng yaxshi fan kabineti», o'zi esa 2006-va 2007-yillarda «Eng yaxshi fan o'qituvchisi» ko'rik-tanlovining shahar va viloyat bosqichlarida, 2016-yilda «O'z kasbining mohir egalari» tadbirida g'oliblikni qo'lga kiritgan. Shuningdek, 2007-yilda «O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi a'lochisi», 2022-yilda «Best publication» ilmiy markazining MDH davlatlari miqyosidagi «Tashabbuskor islohotchi», 2023-yilda «Mo'tabar ayol» ko'krak nishonlari bilan taqdirlangan.

Aytish joizki, Ro'zigul opaning hayoti murakkab kechgan. Chunonchi, turmush o'rtog'i 34 yoshida

avtohalokat oqibatida vafot etgach, 6 nafar farzandni voyaga yetkazish, ulg'aytirish vazifasi ayolning nozik yelkasiga tushdi. U kunduzi maktabda ishlar, kechqurun tikuvchilik qilardi, shu bilan birga jigarbandlari tarbiyasini ham e'tibordan chetda qoldirmasdi.

Ayol hammasining ud-dasidan chiqdi. Hayotda uchragan boshqa qiyinchiliklarni ham matonat bilan yengib o'tdi. Bolalari odob-axloqi bilan «Xayrobod» mahallasi ahlining hurmatini qozonishgan. O'g'li va ikki qizi ota-onasi izidan borib, muallimlikni o'z taqdirlariga aylantirdilar. Qisqasi, qahramonimizning farzandlaridan ham, shogirdlaridan ham ko'ngli to'q.

Aytganicha, 2023-yilda muallimaning hayotida yana bir unutilmas voqea



yuz berdi. U respublika Oila va xotin-qizlar qo'mitasi tashabbusi bilan davlat va jamiyat hayotida faol ishtirok etayotgan, ibratli xotin-qizlar o'rtasida o'tkazilgan «Yil ayoli» milliy tanlovining mamlakat bosqichida oliy o'ringa loyiq ko'rilib, Prezident sovg'asi – «Onix» avtomobili bilan taqdirlandi.

– Ayni vaqtda birinchi o'quvchilarimning nabiralariga saboq beryap-

man, – deydi oliy toifali o'qituvchi Ro'zigul Orziqulova. – Bolalarga bilim berishga ishtiyoqim ishni ilk boshlagan yillarimdagi kabi baland. Buni mamlakatimiz rahbariyatining ta'lim sohasiga, oddiy o'qituvchilarga e'tibori bilan bog'layman. Chunki rag'bat muvaffaqiyatlarga undaydi.

Alijon ABDUSATTOROV,
o'z muxbirimiz.
Jizzax viloyati.

EHTIYOT BO'LING: FIRIBGAR!

Ammo bu «match» orqali kibernetik jinoyatlar sodir etish imkoni ham bor. Temir yo'l korxonalaridan birining ishchisi Rufat Aliyev (voqea ishtirokchilarining ismi-shariflari o'zgartirildi) ana shunday jinoyatdan jabr chekdi. U hamkasbi Botir Abdiramanov bilan tijorat banklarining biridan mobil ilova orqali 6 million so'm onlayn kredit rasmiylashtirib, uni bo'lib to'lashga o'zaro kelishadi. Ushbu kredit R. Aliyevning telefonidan foydalanigan holda olingani uchun uning nomiga rasmiylashtiriladi.

U pulning o'ziga tegishli qismini maqsadli ishlatib, keyin muddatidan ilgari kreditni so'ndirishga muvaffaq bo'ladi. Shu boisdan ko'ngli to'q edi. Ammo kunlardan birida uyali telefoniga qo'ng'iroq qilib, o'zini bank xodimi deya tanishtirgan shaxs uning nomiga rasmiylashtirilgan 19 million so'mlik kredit foizi kechikayotganidan ogohlantiradi.

Bu so'zlarni eshitib boshidan hushi uchib ketishga sal qoladi. Shu boisdan bankning tumandagi filialiga borib, holatga oydinlik kiritishga qaror qiladi. Ushbu moliya muassasasida haqiqatdan ham uning nomiga rasmiylashtirilgan 19 million so'mlik kredit bor ekanligi o'z tasdig'ini topadi. Bunday kutilmagan holatdan hayron qolgan R. Aliyev haqiqatni

HAMKASBINING HIYLASI

So'nggi yillarda axborot-texnologiyalarining jadal sur'atlar bilan taraqqiy etishi ko'plab sohalarda yangi va qulay xizmatlarning yo'lga qo'yilishiga turtki bergani rost. Birgina uyali telefonni olaylik. Ushbu vosita orqali hech joyga chiqmasdan yaqinlarimizga xabar yetkazish, hujjat jo'natish, turli to'lovlarni yoki pul o'tkazmalarini amalga oshirish mumkin.



oydinlashtirishda yordam so'rab ichki ishlar organlariga murojaat qiladi. Olib borilgan surishtiruv harakatlari davomida R. Aliyevning nomiga rasmiylashtirilgan kredit hamkasbi B. Abdiramanov tomonidan o'zlashtirilgani ma'lum bo'ladi.

Aniqlanishicha, B. Abdiramanov oldingi olgan kredit pullarini qimor o'yinlaridan bo'lmish «1-XBET»-

ga tikib, yutqazib qo'yadi. So'ng bunday vaziyatdan chiqish yo'llarini izlay boshlaydi. O'ylab-o'ylab R. Aliyevning nomiga yana kredit olishga qaror qiladi. Albatta, uning bunday kelishuvga hamkasbidan rozilik berishi dargumon edi. Shu boisdan unga bildirmasdan yana kredit olishni rejalashtiradi.

So'ng ish orasida qo'ng'iroq qilish bahonasida uning telefonini

so'raydi. Hech narsadan gumon qilmagan R. Aliyev unga uyali telefonini beradi. O'z hamkasbi chuv tushirishi uning xayoliga ham kelmagandi. Botir chekkaroqqa o'tib, o'n daqiqacha gaplashib, so'ngra uning uyali telefonini qaytarib beradi. Ushbu so'zlashuv mobaynida 19 million so'mlik onlayn kredit olib, pullarini o'zining bank plastik kartasiga o'tkazishga ham ulguragan ekan.

Mazkur holat yuzasidan B. Abdiramanovga nisbatan jinoyat ishi qo'zg'atiladi. Olib borilgan tergov-surishtiruv harakatlari davomida to'plangan dalillar yordamida uning qilmishi fosh etiladi. O'z navbatida sud tomonidan unga nisbatan tegishli jazo chorasi tayinlanib, jabrlanuvchiga yetkazilgan zararning to'liq undirilishi ta'minlanadi.

Ajiniyaz BEKBOSINOV,
mayor.
Azamat PIRNIYAZOV,
o'z muxbirimiz.

Qoraqalpog'iston Respublikasi.

AKROM QIZIQCHI

xalq qalbini zabt etgan masxaraboz

O'zbekistonda sirk san'ati XIX asr oxiri – XX asr boshlarida vujudga kela boshladi. Yurtimizning zamonaviy sirk san'ati Turkistonga gastrol safariga kelgan Yevropa va Rossiya an'alarining ta'siri bilan chambarchas bog'liq. Yangi san'at turi mahalliy aholiga manzur bo'ldi. Bir vaqtning o'zida Toshkent, Samarqand, Andijon, Farg'ona, Namangan, Urganch shaharlari hamda Turkistonning boshqa shaharlarida chodirxayollar o'rnatildi.

O'zbek sirk san'ati ustalari ham o'zining yorqin yulduzlari bilan faxrlansa arziydi. Ularning mahorati avlodan-avlodga o'tib kelmoqda. Bugun biz ana shunday iste'dodlardan biri, jahon sirk tarixida so'nmas iz qoldirgan hamyurtimiz Akrom Yusupovning nomini faxr bilan yodga olamiz.

Mashhur o'zbek sirk artisti, masxaraboz Akrom Yusupov (Akrom qiziqchi) 1905-yilda Quva shahrida novvoy Mamat Yusupovning oilasida dunyoga keldi. 8 yoshidan amakisi – dorboz Hotam Madaliyevdan dorbozlik va muallaqchilikni o'rgangan. 14 yoshidan xalq sirkchilari truppasida ishlagan. 1920–1930-yillarda komik akrobatika, voltijyorlik, to'sinda mashq bajarish, chavandozlik tomoshalarida qatnashgan. 1942-yildan O'zbek sirki jamoasi tarkibidagi Toshkenboyevlar dasturida ishtirok etdi va dorboz, masxaraboz sifatida keng tanildi. 1953-yildan qadimiy masxarabozlik va qiziqchilik an'alarini davom ettirdi va zamonaviy o'zbek namularini yaratdi.

Uning tomoshalari o'rgatilgan eshak va qo'y ishtirokida o'tardi. Akrom qiziqchi zamonaviy Xo'ja Nasriddin obrazini gavdalanirib, xushchaqchaq va o'tkir zehni qahramoni bilan betakror komik iste'dodini «ESH – 421», «Diplomli

pantomimalarida bosh rollarni ijro etdi.

1970-yillardan Toshkentdagi «Sahnadagi sirk» ijodiy jamoasi bilan hamkorlik qilgan. Muallaq oshish, chavandozlik va dorbozlikni yaxshi egallaganligi tufayli parodiyali masxarabozlikni usta san'atkor

tabassumi shunchalik nozik va samimiy ediki, tomoshabin befarq qololmasdi. U o'z fikrini shoshilinch tarzda aytishni, arenada sodir bo'layotgan harakatlarga shiddat bilan ara-



sifatida bajarib, tomoshabinlar tahsiniga sazovor bo'lgan. So'z va mimika ustasi bo'lgan Akrom Yusupov sodda, samimiy, vaziyatga darhol, lekin bamaylixtir baho beruvchi, tadbirkorligini namoyish etuvchi, ishonuvchanligi, tepsatebranmasligi bilan kulgi uyg'otuvchi odam qiyofasini mohirona talqin etgan.

U nafaqat O'zbekistonning turli burchaklarida, balki Moskva, Sankt-Peterburg, Kiyev, Qozon, Riga, Dushanbe, Tbilisi, Xabarovsk, Boku va Novosibirskda ham olqishlanib, o'zbek sirki tarixida yorqin iz qoldirdi.

A.Yusupov yaratgan afsonaviy Xo'ja Nasriddindan har qachongiday ichakuzdi hangomalarni kutishardi. Tomoshabin oldida etik kiygan, yorqin chiziqli beqasam to'n, shim, milliy naqshlar bilan tikilgan oq ko'ylakli chiroyli, do'mboq, o'rta bo'yli inson gavdalanardi. Uning boshida an'anaviy tarzda masxarabozlar kiygan askia qalpoqchasi bo'lgan. Masxarabozning yumaloq

jilmaygan yuzidagi qizg'ish lablari, ko'tarilgan qora qoshlari va pastki ko'z qovoqlari ostidagi ikkita kichkina ko'z yoshlari tomoshabinlar mehrini uyg'otardi. Uning jozibali



eshak», «Pul yoki aql», «O'quvchi», «Sartarosh», «Taftish», «Aqlli jonivor» kabi sahnalarida namoyish etdi. «Sirli kristall», «Akrom, badjahl xon va quyoncha» kabi sirk



«Nega terma?» deyishsa, «Chunki, men motorni Moskvadan, korpusini esa Toshkentdan sotib olganman» deydi qiziqchi. Keyin esa «ESH – 421» raqami nimani anglatishini so'rashadi. «ESH – Eshak – 4 oyoq, 2 quloq, 1 dum» degan ma'noni anglatadi, deb javob beradi Akrom Yusupov.

Sirkka kelganlar so'z tinglashdan ko'ra, ko'proq tomosha qilishni yaxshi ko'radi. Kulgili atraksion odatda, so'z iborasidan kuchliroq bo'ladi. Akrom Yusupov bu taomilni


buzishdan qo'rqmadi. Akrobatik chiqishlardan so'ng u sahnaga chiqib, inspektordan «Oldingizda aql va pul yotibdi, nimani olasiz?» deydi. Inspektor ishonch bilan javob beradi: «Albatta, aqlni!». «To'g'ri, – deydi Akrom. – Kimda nima yetishmasa, o'shani oladi!». Akrom bu so'zlarni shunday aytadiki, faqat qulog'i kar odamgina kulmasligi mumkin.

U hech bir mashhur qiziqchilarga o'xshamasdi, ijodining boshlanishida ham ularga taqlid qilmagan. Akrom Yusupov sirk sahnasiga o'z respublikasining quyoshli tabassumini olib kirdi. Bu esa unga mashhurlik va abadiylik keltirdi.

Afsuski, televideniya o'zbek sirkinin o'sha davrdagi tarixi aks ettirilmay qolgan. Akrom Yusupov sog'lig'i sababli 1963-yilda arenani tark etgan, shu bois kino arxivlarida uning yorqin chiqishlarini aks ettiruvchi lavhalar kam saqlanib qolgan.

Xalqimiz ardoqlagan mashhur sirk ustasi, O'zbekiston xalq artisti Akrom Yusupov 1975-yil 26-noyabrda vafot etdi. Andijon viloyati Marhamat shahri ko'chalaridan biriga uning nomi berilgan.

G'ayratulla SHUKUROV,
o'z muxbirmiz.



lashishni yaxshi ko'rardi. Lekin uning har bir gapida qiziqarli mulohaza, aqlli hazil, aniq fikr bor edi.

Akrom Yusupov «texnik jihatdan jihozlangan» – qorniga shovqinli motor osilgan eshakka minib tomoshabinlar oldiga chiqarkan, g'ayrioddiy transport vositasi hech to'xta olmaydi. Akrom sherigidan «tormozni tortishni» so'raydi. U eshakni dumidan ushlaydi va «harakatlanadigan jonli mashina» to'xtab qoladi. Masxarabozdan eshakni qayerdan olganini so'rashganda, u: «Bu eshak emas, terma jamoa mashinasi», – deb javob beradi.

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

ЖИҒИЛДОН ҚАЙНАСА...

Жиғилдон қайнаши аксар кишиларни тез-тез безовта қилади. Ушбу дардга йўлиққанларнинг 40 фоизи ўз вақтида мутахассисга мурожаат этади, 60 фоизи эса вақтинчалик ҳолат, дея эътибор бермайди. Натижада «оддий» жиғилдон қайнаши бир қанча жиддий хасталикларни келтириб чиқариши мумкин.

Аслида жиғилдонимиз қандай вазифани бажаради? Ошқозон ва қизилўнгач бириккан жойда махсус мушак бўлиб, у ейилган овқат луқмасини ошқозондан қизилўнгачга ўтказиб беради. Мана шу мушак турли омиллар таъсирида вазифасини бажармай қўйса, ошқозон шираси билан ишлов берилган луқма қизилўнгачга ўтмай, меъдага қайтиб тушади. Бу эса ўша сиз билган ҳолат – жиғилдон қайнашини келтириб чиқаради. Тиббиёт ушбу ҳодисага «гастроэзофогеал рефлюкс» номини берган.

Жиғилдон қайнашига аксар ҳолларда таомномамиз сабаб бўлади. Хусусан, кўп қовурилган, ёғли, шўр ва аччиқ егуликларни мунтазам истеъмол қилиш мазкур ҳолатга сабаб бўлади. Бироқ бундан ташқари жиғилдон безовталигини келтириб чиқарадиган бошқа сабаблар ҳам йўқ эмас. Жумладан:

- тамаки, спиртли ва газланган ичимликлар;
- ялпиз, сирка, хантал, мурч каби зираворлар қўшилган таомлар;
- ортиқча вазн;
- ухладан аввал тўйиб овқатланиш ва тамадди қилинган, дарҳол узаниб олиш;

– таом ва егуликларни палла-партиш истеъмол қилиш;

- лимон, апельсин каби цитрус мевалар ёки уларнинг шарбати;
- зич бичилган ич кийимлар, қоматни кўркамлаштирувчи корсет ва бандажлар (ошқозонни сиқиб қўйиб, ҳазм фаолиятини издан чиқаради);
- айрим дори воситалари (узоқ муддат қабул қилинганда ножўя таъсир кўрсатади).

Санаб ўтилган омиллар билан бирга, ошқозондаги кислота миқдорининг таъсири ҳам катта. Аксар ҳолларда, кислота миқдори юқори бўлган кишиларда касалликка мойиллик кўпроқ кузатилади.

Жиғилдон қайнаши безовта қилганда нима қилиш керак? Бунда нўхот чайнаш, сабзини бутунлигича ёки қирғичдан ўтказиб истеъмол қилиш, қатиқ зардобини ичиш каби усуллар ёрдам беради. Қайноқ чой, жуда иссиқ таом, янги узилган нон ва ширинликларни чекланг. Овқатлангандан сўнг 1–1,5 соат вертикал ҳолатда бўлиш, фаол ҳаракатланиш, ухлаётганда бош тагига баландроқ ёстиқ қўйиб ётиш (шунда тананинг



тайёрланган эритма билан бартараф этишни маслаҳат беришади. Бу нотўғри! Истеъмол содаси қизилўнгач шиллик қаватини зарарлайди ва қоринда газ ҳосил бўлишини кучайтиради.

Агар жиғилдон қайнаши мунтазам давом этаверса, гастро-

энтеролог-шифокорга, албатта, мурожаат этинг. Мутахассис умумий ҳолатингиз, шикоятларингизни ўрганиб, гастрофоброскопия текширувини ўтказиши керак. Таҳлил натижалари безовталик сабабини аниқлагач, шунга кўра зарур муолажа танланади.

Жиғилдон қайнаши ҳаддан ташқари кўп кузатилса, бу ошқозон саратонидан далолат бериши ҳам мумкин. Афсуски, ошқозон саратони кўпинча охириги босқичларида аниқланади. Бундай ҳолатларда эса беморнинг шифо топиши жуда қийин.

Салима АБДУРАҲМОНОВА,
Наманган вилояти ИИБ
Тиббиёт бўлими
диетолог-шифокори.
Адолат ФАЙЗИЕВА,
ўз мухбиримиз.



Битта йирик товуқ тухуми ўртача 72–78 килокалорияга эга. Хусусан, унинг таркибида 13 фоиз оқсил, 11 фоиз ёғ, 1 фоиз минерал моддалар ва витаминлар бор. Тўйимлилиги жиҳатидан 10 дона товуқ тухуми 0,8 килограмм мол гўштига тенгдир.

Яна бир маълумот: тухумнинг сариқ қисмининг 52 фоизи сув, 32 фоизи ёғ, 16 фоизи оқсилдир. Парранда емининг сифати тухум саригининг таъми ва рангига сезиларли даражада таъсир қилади.

Баъзилар тухум қанча катта бўлса, шунча яхши ва фойдали, деб ўйлайди, ammo бу нотўғри. Сабаби, йирик, яъни оғирлиги 55 грамдан 77 грамга етадиган тухумларда сув миқдори кўпроқ, озуқавий моддалар концентрацияси эса камроқ бўлади. Бундай тухумларни қари товуқлар қўяди. Энг маъқули 35 грамдан 55 грамгача бўлган тухумлардир. Одатда бундай оғирликдаги тухумларни ёш товуқлар туғади. Ёш товуқлар тухумининг пўстлоғи қаттиқ бўлади.

Тухум парҳезбоплик хусусиятини 7 кун сақлаб туради. Сўнг айрим фойдали жиҳатларини йўқота бошлади. Тухумнинг янги ёки эскилигини билиш учун тузга сувга тухумни ташлаймиз. Агар у чўкса – янги, чўкмаса эски ҳисобланади. Тухумни музлаткичдан олибоқ қайнатиш тавсия қилинмайди.

Тухум пўчоғининг таркиби одам суяги ва тиши таркиби билан ҳайратланарли даражада мос келади. Таомга майдаланган тухум пўчоғини қўшиш соч ва тирноқлар синувчанлиги, милк қонаши, қабзият, жиззакилик, уйқусизлик ва астманинг олдини олади. Даволаш учун янги, эндигина арчилган тухум пўчоғи ишлатилади. Айтганча, тухум пўстлоғининг ранги тухумнинг озиқа вазифасини ўтовчи қисмига заррача таъсир қилмайди.

Шоҳида ЗАРИПОВА,
Жиззах вилояти ИИБ Тиббиёт
бўлими поликлиникаси умумий
оилавий шифокори.



юқори қисми пасткисидан хиёл баландроқ жойлашади) мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, аччиқ, шўр, ёғли, кўп қовурилган таомларни, шоколад ва асални ҳам камайтириш лозим. Бу тавсиялар ёрдам бермаса, жиғилдон қайнашини енгиллаштирувчи турли дори воситаларидан фойдаланиш мумкин. Бироқ бу ҳам вақтинчалик чора эканлигини унутманг.

Баъзилар жиғилдон безовталигини истеъмол содасидан

ЧАЙ: КАК ПИТЬ С ПОЛЬЗОЙ

Иногда вреден не сахар в чашке, а сам чай – особенно вчерашний. Чтобы он приносил пользу не только душе, но и организму, следуйте простым правилам.

1. Только свежий чай.

Через 4–6 часов после заваривания в чае начинают размножаться бактерии и грибки, а количество антиоксидантов резко снижается.

2. Предпочитайте листовый.

Пакетированный чай может содержать чайную пыль, клей, отбеливатели и другие нежелательные добавки. Листовой

чай – более натуральный и качественный вариант.

3. Не заваривайте повторно.

Повторная заварка делает чай горьким – это не крепость, а избыток танинов. Они могут навредить людям с гастритом и анемией.

4. Исключите сладкие добавки.

Сладкая среда способствует размножению патогенов. Вместо



этого можно добавить в чай ломтик яблока, немного сухофруктов или стевии.

А также не забывайте:

- не пейте чай на голодный желудок, особенно при гастрите и анемии;

- не сочетайте с препаратами железа и магния: чай снижает их усвоение;

- не отказывайтесь от чая совсем – пейте осознанно и умеренно.

Алишер ОЛЛАМОВ,

врач-физиотерапевт поликлиники Медицинского отдела ГУВД г. Ташкента.



ЭТО ИНТЕРЕСНО

СВЕТОФОР ПОДСКАЖЕТ ПУТЬ

В августе ежегодно отмечается Международный день светофора — хороший повод напомнить о важности соблюдения Правил дорожного движения.

5 августа 1914 года в американском городе Кливленде был установлен первый электрический светофор. Аппарат имел два цвета — красный и зеленый, а желтый заменял предупредительный свист полицейского. Спустя четыре года в Нью-Йорке появился автоматический управляемый трехцветный светофор.

В Узбекистане, как и во всем мире, светофоры играют важную роль в организации дорожного движения, особенно на перекрестках и пешеходных переходах. Знание Правил дорожного движения и соблюдение сигналов свето-

форов, до конца года планируем установить еще шесть, — говорит заместитель начальника отдела эксплуатации и монтажа УБДД УВД области Амиран Тохирзода. — В прошлом году наблюдался пик установок: вместо запланированных 23 было установлено 55 новых светофоров. Помимо их эксплуатации, занимаемся и ремонтом. Ежедневно к нам поступает 5–6 заявок о неисправности регулирующих приборов на дорогах. Незамедлительно высылаем бригаду.

Установленные светофоры произведены в Узбекистане. Крупней-

Руководство УБДД области на пресс-конференции сообщало, что такие системы способны снизить автомобильные пробки за счет интеллектуального анализа данных. Камеры фиксировали количество проезжающих машин, а полученная информация использовалась для оптимальной регулировки фаз движения. Внутри каждого прибора установлены аккумуляторные батареи, позволяющие работать без электричества до пяти часов. Таких светофоров было порядка 40, однако многие из них не прижились.

Сейчас в Ташкенте снова начали внедрять «умные» светофорные системы. Первые восемь уже установлены на улице Навои на участке от Урды до площади Чорсу. Отмечается, что благодаря искусственному интеллекту скорость движения транспорта на этом отрезке выросла, а перекрестки машины стали проезжать в два раза быстрее.

В Самарканде также рассматривают возможность возобновления работы «умных» светофоров, но пока установлены только энергоэффективные модели, работающие от солнечных батарей. Два таких светофора в качестве эксперимента действуют на пешеходных переходах в Пастдаргомском районе.

В планах сотрудников УБДД УВД области — замена старых светофоров на оборудованные звуковыми и тактильными сигналами, чтобы помочь людям с нарушениями зрения безопасно переходить дорогу. Важно, чтобы каждый пешеход чувствовал себя защищенным.

Замира БАЛТАЕВА,
соб. корр.

Самаркандская область.



фора являются ключевыми условиями обеспечения безопасности на дорогах.

Сегодня в Самаркандской области действуют 383 светофора, 57 из которых работают с помощью кнопки. Светофоры бывают разных видов в зависимости от назначения и регулируемого объекта: транспортные, пешеходные, велосипедные. Также существуют реверсивные светофоры, светофоры для маршрутных транспортных средств и для железнодорожных переходов.

— В этом году установлено 20 новых свето-

ший производитель — предприятие «Altiariq Innovation» в Ферганской области, специализирующееся на выпуске «умных» светофоров, разработанных учеными Ферганского государственного технического университета. В Самарканде аналогичную продукцию выпускает ООО «Прогресс С». Производители имеют сертификаты и дают гарантию на эксплуатацию сроком до 10 лет.

Два года назад в Самарканде начали устанавливать «умные» светофоры китайского производства.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ (18 августдан 24 августгача)



Қўй. Бу ҳафта сиз учун жуда қизиқарли кечиши, келажакда асқатиши мумкин бўлган одамлар билан танишувлар кутилмоқда. Ишхонадаги юмушларни тартиб билан бажаришга киришиб, ҳафта қандай ўтганини ҳам билмай қоласиз. Бу даврда саломатликка жиддий эътибор қаратинг.



Бузоқ. Келаятган ҳафта атрофдаги одамлар орасидаги обрў ва нуфузингизни ошириш, ижодкорлик ва ҳамкорликни ривожлантириш учун мақбул даврдир. Аввало, ташқи кўриниш ва саломатликка жиддий эътибор қаратинг. Жисмонан оғир вазифалардан четлашиб, таъбни хира қилувчи вазиятлардан имкон қадар узоқлашинг.



Эгизаклар. Мазкур ҳафтада сиз учун таасуротларга бой бўлади. Сешанба куни сиз кутмаган учрашув содир бўлиши ёки болалиқдаги қадрдонларни учратишингиз мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмидаги хизмат сафарлари жуда мазмунли кечади, лекин бу харажатлар ортишига олиб келади.



Қисқичбақа. Бу ҳафта сиз учун омадли келиши мумкин. Бундан унумли фойдаланган ҳолда иш жойида ва оила орасидаги муносабатларни яхшилаш ва мустақамлашга ҳаракат қилинг. Яқинларингизга кўпроқ меҳр кўрсатинг, фарзандлар тарбиясига, уларнинг ҳаётида юзага келган муаммоларга эътиборли бўлинг.



Арслон. Ҳафта бошида турли зиддиятлар ва жанжалларни бартараф этишга бел боғлайсиз. Бу фақат яхшиликка хизмат қилади, асосийси, ўзингизга ишонч билан ҳаракат қилинг. Жамоат транспортида ёки шахсий автомобилда кетаётиб, йўлларда эҳтиёткор бўлинг.



Паризод. Бу ҳафта сиз учун қизиқарли ва ёқимли дамларга бой бўлади. Бу ҳолатни ҳатто кўчадаги ёмон об-ҳаво ҳам буза олмайди. Шу кунларда жанжалли вазиятлар, қуюқ зиёфат, спиртли ичимлик истеъмоли ва енгил фикрлаш фақат зиён келтириши мумкин. Шу боисдан улардан воз кечингизга тўғри келади.



Тарози. Ҳафта давомида ишларингиз бароридан келиши кутилмоқда. Бу кайфиятга ҳам, оиладаги муҳитга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Вақтдан унумли фойдаланган ҳолда, йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун имкониятингиз бор.



Чаён. Бу ҳафта мартабангиз ошишига тўсқинлик қилаётган барча муаммоларни бирма-бир йўқ қилиш учун қулай давр. Молиявий операциялар, йирик харидлар ва шахсий иш билан яқин манзилга сафар қилиш омадли кечиши кутилмоқда.



Ўқотар. Бу даврда хоҳ иш, хоҳ шахсий ҳаётда бўлсин, чалкашлик ва кўнгилсизликлар кузатилиши мумкин. Қанча ҳаракат қилманг, барибир уларни тартибга сола олмайсиз. Аммо бу молиявий муаммоларни бартараф этишга асло ҳалақит қилмаслиги керак.



Тоғ эчкиси. Ҳафта давомида қандай бўлмасин, умумий ҳолатингизни ижобий тарафга ўзгартиришингиз лозим. Айниқса, иш жойингизда ҳамкасбларга нисбатан хушмуомалалик билан муносабатда бўлишга тўғри келади. Рўзғор ташвишлари борасида яқинларингиз билан тортишиб қолиш эҳтимоли кўпроқ.



Қовға. Шу кунларда олис сафарга чиқиш ҳамда спортнинг экстремал турлари билан шуғулланишдан сақланинг. Ишхонада топширилган ишни вақтида удалай олмасангиз, раҳбарларнинг танқидидан жаҳлингиз чиқмасин, улар билан тортишманг, бу сизга фақат зарар келтиради. Ҳар қандай вазиятда бардошли бўлинг.



Балиқ. Бу даврда иш-юмушларингиз ҳар доимгидан кўпаяди. Шу боисдан астойдил енг шимариб ишга киришишга тўғри келади. Ҳар бир ишни режа асосида амалга оширинг. Муҳаббат бобида омадингиз келиши муқаррар, лекин ўз айбингиз билан бу омадни йўққа чиқаришингиз ҳам ҳеч гап эмас.

SHE'RIYATGA OSHUFTA KO'NGIL



Ichki ishlar organlarida yurt tinchligi, el osoyishtaligi yo'lida xizmat qilish bilan birga, ko'ngil tubidagi she'riyatga oshuftalik tuyg'ularini ardoqlab kelayotgan xodimlar talaygina. Safdor Shahnoza Rahmonova ana shunday ijodkor xodimalardan biri.

badiiy adabiyotga bo'lgan qiziqishi bois ko'nglidagi inja tuyg'ular oppoq qog'ozga to'kilaverdi.

Yigirma ikki yoshida ichki ishlar organlari xizmatiga kirgan Shahnoza dastlab viloyat IIB SHTBIX kichik inspektori, oradan ikki yil o'tib, PPX va JTSB PPX batalyoni guruh militsioneri, so'ngra M va FRBda pasportchi lavozimida faoliyat ko'rsatdi. Bunda ustoz, hozirda boshqarma MMI va KBTX boshlig'i o'rinbosarining yordamchisi, podpolkovnik Gulardon Elmurodovadan kasb sirlarini puxta o'rgandi. Taqdir yo'li Erkin Jabborov bilan bog'lanib, uch farzandli bo'ldi.

Ayni kezlarda Qarshi shahar IIOFMB 4-sonli IIBda Kanselyariya katta ish yurituvchisi lavozimida xizmat qilib kelayotgan lavhamiz qahramoni mashaqqatli va sharaflil xizmat bilan birga, ijodini davom ettirmoqda. Uning o'tgan yillarda yozgan qator she'rlari davriy nashrlarda e'lon qilinib, muxlislar e'tiborini qozongan.

Sh. Rahmonova «O'zbekistonda ta'lim» jurnali tomonidan o'tkazilgan «Iste'dod-2022»

ijodiy tanlovida faxrli o'rinni qo'lga kiritib, «Iste'dod» ko'krak nishoni bilan taqdirlangan. Qozog'iston Respublikasi «Qo'sh qanot» ijodiy uyushmasi a'zosi hamda «Yuksak parvoz» ko'krak belgisi va «Xalqaro xizmatlari uchun» medali sohibasi.

Rossiyaning Gloriya nomidagi san'at va madaniyat birlashmasi tomonidan o'tkazilgan onlayn tanlovida bir turkum ijodiy ishlari bilan qatnashib, «Mualliflik xizmatlari uchun» medali hamda «Xalqaro Amir Temur xayriya jamoat fondi» ko'krak nishoni bilan taqdirlangan Shahnoza Yozuvchilar uyushmasi viloyat bo'limi tomonidan o'tkazilgan «Adabiyotimiz iftixori» tanlovida ham 1-o'rinni qo'lga kiritgan.

Quyida «Sog'inch», «Nurafshon tonglar», Indoneziya davlatida indonez va ingliz tillarida nashr etilgan «O'zbekistan is my homeland» («O'zbekiston men tug'ilgan yurt») kabi kitoblar muallifi Shahnoza Rahmonovaning irod namunalari e'tiboringizga havola etamiz.

Sodiq RAHIMOV,
o'z muxbirimiz.

Qashqadaryo viloyati.

XIZMATDOSH XODIMALAR

Goh tunga alla aytar,
Goh quyoshni uyg'otar,
Erta kelib, kech qaytar
Xizmatdosh xodimalar.

Vatanin jondan suygan,
Yurt uchun yonib-kuygan,
Mas'ullik hissin tuygan
Xizmatdosh xodimalar.

Sizga omad yor bo'lsin,
Tangri madadkor bo'lsin,
Bag'ringiz gulga to'lsin,
Xizmatdosh xodimalar.



TO'MARIS IZDOSHLARI

Ko'ksi to'la nomus, or,
Omon bo'lsin boshlari.
Har ishda jasoratli
To'maris izdoshlari.

Vatan uchun berar jon,
Mard va jasur ham chaqqon,
Qo'rquv bilmas hech qachon
To'maris izdoshlari.

Jahonning turnirida,
O'nlab sport turida,
Zo'rlarning eng zo'ri-da,
To'maris izdoshlari.

Xalqning mehriga qonsin,
Ona yurtim, deb yonsin,
Qalbi baxtdan to'lg'onsin,
To'maris izdoshlari.



MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari
podpolkovnik
Azizjon FAYZIYEV
mayor
Aziza BOHODIROVA

Mas'ul muharrir
Erkin SATTOROV

Veb-dizaynerlar

Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

Navbatchilar
Abror POYONOV
Radik TUMPAROV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Obuna masalalari bo'yicha:
71-231-38-74;
97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



Tahririyat hisob raqami h/r
23402000300100001010.
Bank kodi 00014.
O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi g'aznachiligi.
Shaxsiy h/v
470010860262877031101179001
STIR 200637499.

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.

Buyurtma № 1996.
Bosilish - ofset usulida.
Bichimi - A3.
Hajmi - 6 bosma taboq.
44966 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda - 180.
Tashkilotlar uchun - 366.
Bosishga topshirish vaqti - 22.00.
Bosishga topshirildi - 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

«Kolorpak» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: 100206
Yunusobod tumani,
Yangishahar ko'chasi 1^A-uy.